Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ИИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН.

• 1986 йил 2 январь, пайшанба • № 1 (5892) • Баҳоси 3 тийин.



СОВЕТ ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ МУРОЖААТИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВнинг

Совет телевидениеси орқали сўзлаган нутқи

Азиз ўртоқлар!

Бир неча дақиқадан сўнг емль қурантлари Янги йил бошланганлиги дарак беради. Бу ҳамиша ўзгача ҳаяжонли дақиқалардир. Одамлар кириб келаётган ҳар янги йилдан азалдан янги орзу-умидлар билан кутиб олади, тугаётган йилга фикран якун ясайди. Шу куни биз қариндош-уруғларимиз яқин кишиларимизга, дўстларимиз ва ўртоқларимизга Янги йил қутловларини ва ҳаётнинг эзгу зафарлар тилаб билдирган истакларимизни йўллаймиз.

Ҳамма нарса меҳнат билан бошланади, дейдилар. Ҳаётда ҳақиқатан ҳам шундай. Тугаб бораётган 1985 йил астойдил меҳнат, орзу-умидлар ва истиқболни кўзда тутган режалар йили бўлиб хотирамизда қолади, деган фикрга қўшиласизлар, деб ўйлаймиз.

Йил бошида биз халқ халигида қандай қийинчиликларга дуч келганимизни ҳаммамиз яхши эслаймиз. Ишлаб чиқаришни ўнглаб олиш ва йилни экономикада умумий дуруст натижалар билан тугаллаш учбутун партиянинг, бутун халқнинг ғоят зўр куч-ғайрат сарфлашига тўғри келди. Ўтган йил — яна ҳам яхши, яна ҳам адолатли, мавий бой турмуш, унинг социалистик асосини ва принципларини янада мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида биз ҳаммамиз биргалашиб бажарган жами ишлар йилидир.

Тугаётган йил биз учун жуда ибратли, воқеаларга тўлиб-тошган йил бўлди, бу воқеалар вақтнинг ўтишини жадаллаштиргандек бўлди. Биз катта ишларга зўр ғайрат, баланд руҳ билан киришдик. Ҳозирги ўз имкониятларимизни равшанроқ кўрибгина қолмай, эришган ютуқларимизга ҳам келгуси мўлжаллаётган режаларимизга реалистик баҳо беряпмиз. Биз социалистик тузумнинг ғоят катта потенциалидан тўлароқ фойдаланишга истаймиз. Гап жамиятни сифатий жиҳатдан янгартириш ва экономика, маданий, социал соҳаларни хуллас, ҳаётнинг барча томонларини такомиллаштириш йўлидан шу билан адил олға ҳаракат қилиш тўғрисида бормоқда.

Аммо, азиз ўртоқлар, биз коммунистик партия Марказий Комитетининг апрель пленуми белгилаб берган йўлнинг бошидамиз, холос. Айтишим мумкинки, мақсадларнинг, катта ўзгаришларнинг йўлига бошлаш даврида турибмиз, булар биздан ҳам кўпроқ қатъият, фидокорлик, ўмрининг шаб бўлган ҳамма нарсалардан, эскича фикрлашдан, одатдаги, аммо ҳозир бефойда схемалар ва ёнашувлардан чўчимай воз кечишни талаб этмоқда. Ҳозир бизга юксак ижтимоий активлик, ижодий меҳнат, камчиликларга нисбатан мутлақо сезгирлик, давр бунёдга келтираётган янги, улуғ нарсаларнинг ҳаммасини қатъиян қўллаб-қувватлаш, айниқса зарур.

Социализм халқ томонидан ва халқ учун яратилади, бу эса унинг моҳиятидир. Социализм кучининг манбаи — оммаининг жонли ижодкорлигидадир. Коммунистик партия бизнинг барча ишларимиз ва ташаббусларимизга айни шу позицияларда туриб ёндашмоқда. Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати кейинги вақтларда амалга оширилаётган иқтисодий ҳамда сиёсий чора-тадбирларни бутун халқ актив қўллаб-қувватлаганлигини сезмоқдалар. Биз бу мададни юксак қадрлаймиз, бу ҳол зиммамизга кўп мажбурият юкларини тушунамиз, яшаб турган жамиятимизни такомиллаштириш йўлидан бундан буён ҳам комил ишонч билан ҳаракат қилиб боришга илҳомлантиради.

Кириб келаётган 1986 йил янги, ўн иккинчи беш йилликни бошлаб беради. Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш борасидаги кўпгина ҳаётий муҳим вазифаларни ҳал этишни биз шу беш йиллик билан боғламоқдамиз.

Ленин партиясининг бўлажак XXVII съезди — йилнинг бош сиёсий воқеасидир. Ҳозир съездолди ҳужжатларининг умумхалқ муҳокамаси давом этмоқда. Совет кишилари йиғилишларда ва Марказий Комитетга йўллаётган хатларида мамлакат ишлари тўғрисида, бизга ҳалақит бераётган нарсалар ҳақида, нималар қилиш кераклиги тўғрисида омилкорлик билан рўй-рост, ошкора гапирмоқдалар, олиб борилаётган йўлга қатъият ва зўр ғайрат билан амал қилишга даъват этмоқдалар. Ҳозирги кунда биз ҳамма нарсани ўз номи билан атамоқдамиз: муваффақиятни — муваффақият, камчиликни — камчилик, хатони — хато демоқдамиз. Такаббурлик ва хотиржамликнинг ишончли давоси, аҳиллик билан ижодий вазиятда янги муваффақиятлар, янги ютуқлар сари, турмушнинг янги сифати, социал-иқтисодий ва маънавий ривожланишнинг янги чўққилари сари бораверишнинг тўғри йўли мана шундадир.

Тугаган йилда биз фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини нишонладик. Халқимизнинг муқаддас уруш йилларида кўрсатган жасорати тўғрисидаги хотира бизнинг онгимиздагина эмас, шу билан бирга қалбимизда ҳам яшамоқда. Ўша оғир даврдаги жудоликларнинг қайғу-аламини ҳам жаҳонда янги фожиа энди ҳеч қачон, ҳеч вақт бошланмаслиги учун ҳамма ишни қилиш мажбуриятини зиммамизга юкламоқда.

Коммунистик партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати совет халқининг хоҳиш-иродасини ифода этиб, тинчликни сақлаб қолиш, ядро уруши хавфининг олдини олиш, ўнглаб бўлмас фожиага йўл қўймаслик учун ҳамма ишни қиладилар.

Бугунги дунё мураккаб ва хилма-хилдир. Совет Иттифоқи ўз сиёсатида ердаги одамлар ядро асрида битта кемададир, деган фикрга асосланмоқда. Бинобарин, шу кемани ҳарбий авантюризм билан ларзага солиш ниҳоятда масъулиятсиз ишдир. Бизнинг давримизда ҳаётнинг ўзи сиёсий енгилтакликни рад этмоқда. Шу боисдан ҳам Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар ишни тинчлик сари, халқаро муносабатларни соғломлаштириш, бу муносабатларга маърифатли XX аср одамларига хос маданийликни бағишлаш сари сабот билан олиб бормоқдалар. Низолардан устун бўлиш, бутун куч-ғайратни ҳамжиҳатлик, ишонч ва қуролсизланиш йўлларини излаб топишга бўйсундириш керак.

Бошланаётган йилни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тинчлик йили, деб эълон қилган. Биз Совет Иттифоқидагилар шу Тинчлик йили тинч ўн йилликларга айланиши, инсоният XXI асрга тинчлик, ишонч ва ҳамкорлик шароитида қадам қўйиши тарафдоримиз.

Азиз ўртоқлар! Социализм тонготарида Владимир Ильич Ленин «Совет давлатини қура **бошлаш**, шу билан бутун жаҳон тарихининг янги даврини... **бошлаш**»ни бахт, деб атаган эди.

Бу — машаққатли бахт бўлган эди ва шундай бўлиб қолмоқда. Бизнинг тарихимиз, ҳаётимиз ва курашимиз — бутун инсониятнинг тарихи, ҳаёти ҳамда тинчлик ва социал тараққиёт йўлидаги курашининг ажралмас қисми эканлиги билан фахрланамиз. Биз янги жамият сари ҳеч ким босиб ўтмаган йўлнинг кашшофлари бўлганимиздан, шу йўлдан муносиб ва комил ишонч билан бораётганлигимиздан фахрланамиз!

Биз Янги йилни кутиб ола туриб, дўстларимиз ва иттифоқчиларимизга, социализм мамлакатларининг халқларига самимий қутловларимизни йўллаймиз! Уларга янги ҳаёт қурилишида бундан буён ҳам муваффақиятлар тилаймиз.

Биз дўст давлатларнинг халқларини, оламнинг барча мамлакатларидаги синфдош ўртоқларимизни қутлаймиз.

Биз Ер юзидаги барча халқларга тинчлик, бахт-саодат ва равнақ тилаймиз!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети номидан барча совет кишиларини, Буюк Ватанимиз халқларининг аҳил оиласини кириб келаётган Янги йил билан қизғин ва сидқидилдан муборакбод этаман!

Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларини, уруш ва меҳнат ветеранларини Янги йил билан қутлайман!

Халқимизнинг тинч меҳнатини, Улуғ Октябрь ғалабаларини пухта қўриқлаётган совет жангчиларини Янги йил билан қутлайман!

Шу дамда меҳнат вахтаси ва жанговар вахтада турган, жонажон еримиздан олисда ишлаётган барча кишиларни Янги йил билан қутлайман!

Келинг, бир-биримизга бошланаётган йилда орзуларимиз рўёбга чиқишини, Янги йил янги-янги муваффақиятлар, ижодий меҳнат, мустаҳкам тинчлик ва яхшилик томон ўзгаришлар йили бўлиб қолишини тилайлик. Бу йил ҳар бир хонадонда, ҳар бир оилада шодхуррамлик ва бахт-саодатга бой йил бўлиб қолсин!

Азиз ўртоқлар! Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!

ТИНЧЛИК ЙИЛИ

Мана янги, 1986 йил ҳам кириб келди. Бу йил бизларга нималарни олиб келар экан? Биз тўла аминмизки, бу йил мамлакатимиз учун социалистик жамиятнинг янада гуллаб-яшнаши, совет кишиларининг фаровонлиги янада ошиши билан нишонланади. Чунки партия ва ҳукуматимизнинг бутун куч-ғайрати ана шунга қаратилган, бутун халқимиз ана шунга сафарбар этилган. Ер юзида тинчлик бўладими ёки халқаро кескинлик кучаядими — бутун прогрессив инсониятга боғлиқ.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 1986 йилни Халқаро Тинчлик йили деб эълон қилди. Унинг чиндан ҳам Тинчлик йили бўлиши учун ҳамма курашиши керак. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев Совет халқига Янги йил Мурожаатида «Биз Совет Иттифоқидагилар шу Тинчлик йили тинч ўн йилликларга айланиши, инсоният XXI асрга тинчлик, ишонч ва ҳамкорлик шароитида қадам қўйиши тарафдоримиз» деб таъкидлади.

Ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилини бошлар эканмиз ҳар биримиз энг асосий — мамлакатнинг олға томон ҳаракат қилишига шахсий ҳиссамизни аниқлаб олишимиз, ўз имкониятларимизни реал баҳолашимиз, қаерда ишлашимиздан қатъий назар, ўз олдимизга меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан аниқ вазифаларни қўйишимиз лозим. Фаровонлик ўз-ўзидан келмайди. Ҳамманинг ва ҳар биримизнинг кундалик куч-ғайратимиз муваффақиятлар гарови. Бу йил ўзига хосдир. Улкан сиёсий аҳамиятга эга бўлган, тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар қабул қилинадиган КПСС XXVII съезди унинг асосий воқеасидир.

Биз, Ўзбекистон пойтахти аҳолиси олдида улкан вазифалар турибди. Меҳнат унумдорлигини ҳар томонлама ошириш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ишлаб чиққан йўлни оғишмай ҳаётга жорий этишимиз лозим. Тинчлик йилини бахтли ва нурли йилга айлантириш ўз қўлимизда.

ҲАЁТИМИЗ ПРОГРАММАСИ

Партия съездолди ҳужжатларининг умумхалқ муҳокамаси давом этмоқда

ЁРҚИН ИСТИҚБОЛ САРИ

ЯНГИ таҳрирдаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси лойиҳасида Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин мамлакатимизда рўй берган барча улкан ўзгаришлар ўзининг ёркин ифодасини топди. Программа лойиҳасида таъкидланганидек, инсониятнинг социализм томон Октябрь революцияси бошлаб берган олам шумул тарихий бурилиши — жамият тараққиётининг қонуний натижасидир.

Барча қатори мен ҳам Программа лойиҳасини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Ундаги ҳар бир жумла, ҳар бир сўз фақат бизнинг мамлакатимиз учунгина эмас, балки бутун прогрессив инсоният учун ҳам муҳимдир. Ундаги **«Тинч-тотув яшаш барча мамлакатларнинг, ҳамма халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади»**, деган сўзлар ёнига **«Шунинг учун барча мамлакатлар тинч-тотув яшаш санъатини эгаллаши керак»** деб ёзиб қўйишни таклиф қиламан.

Партиямиз халқ муҳокамасига ўртага ташлаган съездолди ҳужжатлари — КПСС нинг янги таҳрирдаги Программаси, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан КПСС Устави ва мамлакатимизни янада ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари лойиҳалари биз, партия ветеранларининг айни дилимиздаги гапларидир. Негаки уларда битта моҳият бор: у ҳам бўлса мамлакатимизни янада қудратли қилиш, жадал ривожлантириш ва ер юзида мустаҳкам тинчликни барқарор қилишдир. Бу сўзлар оддийдек туюлади. Бироқ уларнинг замирида гуллаб-яшнаётган республикаларни, шаҳар ва қишлоқларни, бепоён пахтазорларни, ҳуллас мисли сиз она-Ватанимиз камолини ҳис этасан киши!

Биз партия ветеранлари қўл қовуштириб турмаймиз. Қўлимиздан келганча ўз тажрибаларимизни ёшларга ўргатяпмиз. Уларга кураш ва енгиш санъатидан дарс беряпмиз. Зеро, тинчликни ҳозир, мана шу кунларда фидокорона меҳнат билан, ажойиб бунёдкорликлар ва интилишлар билан янада мустаҳкамлаш зарур. 1986 йил — Тинчлик йили экан, демак, биз уни бутун билимимиз, қалб қўримиз, куч-ғайратимиз билан яна бир зина юқори кўтаришимиз лозим.

И. БОБОЖОНОВ,
1920 йилдан КПСС аъзоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель ва октябрь Пленумларининг қарорлари совет олимлари олиб бораётган илмий изланишга янги ижодий омил бағишлади. Ана шу Пленумларнинг қарорлари мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни кескин жадаллаштириш сари туб бурилишни бошлаб берди. Партия фан-техника тараққиётининг ортиб бораётган ролини шу вазифани ҳал этишнинг бош воситаси деб атади. Республиканинг илмий-техник зиёлилари ҳам бирмунча активроқ ишлай бошладилар. Тадқиқотчиларнинг бир гуруҳига фан ва техника соҳасида Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари берилганлиги улар хизматининг эътироф этилиши бўлди.

31 декабрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев олимлардан бир группасига Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреатларининг дипломлари ва Фахрий нишонларини топширди.

Мукофотларни топшириш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти П. Қ. Ҳабибуллаев ҳозир бўлдилар.

Парвоз топшириғининг муҳимлиги

Тошкент авиакорхонаси экипажлари БМТ Бош ассамблеяси Халқаро Тинчлик йили деб эълон қилган 1986 йилнинг биринчи меҳнат кунининг эртасидаёқ совет Тинчлик фондига ўтказиладиган рейслар ҳисобини нишонлашга аҳд қилдилар. Тошкент авиакорхонасининг барча экипажлари янги йилнинг дастлабки кунларини Тинчлик фондига бағишлаб, Тошкент — Ленинград маршрути бўйлаб шундай рейсни бажардилар. Махсус мухбиримиз Тошкент — Ленинград маршрути бўйлаб шундай рейсни бажарган «ИЛ—62» самолёти бортидан репортаж олиб борди.

«Рейс Тинчлик фонди ҳисобига бажарилади» белгиси остида бугун парвоз топшириғини олганлар орасида коммунист, Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери Евгений Васильевич Хлинов бошлиғидаги «ИЛ—62» самолётининг экипажи бор.

МАРШРУТ БЎЙЛАБ ПАРВОЗ. ЭКИПАЖ

— Тошкент — старт, мен борт — 86610, парвозга

Борт — 86610, парвозга рухсат бераман.

Кабинадан наъра тортиб йўлкасидаги чиройлар истиқболимизга пешвозга чиқади. Бир неча онгача самолёт айланиб олгач, чироқлар ўчирилади. Шу пайт кабинанинг овози жаранглади:

САУ ишга туширилсин. Мен бизнинг «ИЛ—62»ни «Тошкент штурман» командасига қабул қилувчи САУ — автомат бошқаришни

системаси бошқаради. Энди иш ҳақи Тинчлик фондига ўтказиладиган ушбу парвозни бажариш ташаббуси қандай туғилгани ҳақида ҳикоя қилиш имконияти пайдо бўлди.

— Биласизми, очиғини айтганда, бошқа экипажлар бизни қўллаб-қувватлашдими ёки йўқми билмаган эдик, — дейди иккинчи учувчи Александр Карпенко. — Лекин маъқуллашдигина эмас, рўпара келганда «Баракалла, зўр ўйлабсиз» дейишди.

— Биз бир пайтда, — дея суҳбатга қўшилди қўш Шуҳрат ордени кавалери, штурман Б. Р. Раҳимов, — Тинчлик фонди ҳисобига парвозни бажараётган бир қанча «бортлар» учяпти.

Бизнинг самолётимиз эса олға интилиб, соатига 900 километрдан зиёд тезлик билан Ленинградга яқинлашмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Махсус «Тошкент оқшоми» учун

ТИНЧЛИК БАРҚАРОР БЎЛСИН

Юрий ЖУКОВ,

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг раиси, «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси.

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети номидан Ўзбекистон пойтахти авиаторлари ташаббусини қизғин қувватлайман.

Тошкент ҳамиша тинчлик, дўстлик ва халқлар қардошлиги уйғунлашган шаҳар сифатида машҳур бўлиб қолади.

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети тошкентликлар, Ўзбекистон пойтахти турли жамоат ташкилотларининг тинчликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссасини юксак баҳолайди. Менинг бу сўзларимнинг исботи ўзи билан. Дунёнинг турли қитъаларида Тошкент билан биродарлашган етти шаҳар бор. Яқиндагина Тошкент жамоат ташкилотларининг вакиллари сафар қилиб қайтган Сиэтл шаҳри ҳам шулар жумласидан. Мазкур сафар Совет ва Америка халқлари орасидаги ўзаро ишончни ошириш, ер юзида қуролсизланиш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Бугунги кунда бутун жаҳонда тинчлик ва тараққиёт ишига улкан ҳисса бўлиб қўшилган Осиё ва Африка ёзувчилари ҳамкорлиги ҳаракати айни шу меҳмонавоз тупроқдан бошланганини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Тошкент Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг халқаро кинофестиваллари ўтадиган доимий пойтахт — шаҳардир. «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиори бўлган мазкур анжуман барча прогрессив маданият вакиллари учун доимо азиздир. Тошкент замонида ўтадиган анжуманлар ҳамиша ўзаро ишонч ва дўстлик руҳи билан йўғрилган.

Мен яқинда Ўзбекистонда, сизларнинг бетимсол шаҳарингизда бўлганим чоғ мана шундай ҳақиқий дўстона мулозамат гувоҳи бўлдим.

Тошкентликлар, Ўзбекистон пойтахтининг бутун-бутун меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари Совет тинчлик фондига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ва шу билан тинчликни ҳимоя қилувчилар сафини янада мустаҳкамлаётганини айтиб ўтгим келади.

Тинчликни ёқловчи советлар ташаббуси ер юзидаги миллионлаб кишилар томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачев таъкидлаганидек, совет кишилари келажакка ишонч билан қарайдилар. Бутун жаҳон тинчликсевар халқлари, энг аввало Совет Иттифоқи билан социалистик мамлакатлар интилишлари туфайли заминни ядро ҳалокатидан асраб қолишга ишонамиз.

Совет кишилари тинчлик учун актив курашмоқда, Совет тинчлик фондини мустаҳкамлаш ишида муносиб иштирок этмоқда. Шу йўналишда Ўзбекистон пойтахти авиаторлари бошлаган ташаббус ҳам муносиб ўрин тутади. Учувчиларнинг янги йилнинг битта рейсидан тушган маблағни тинчлик фондига ўтказишга аҳд қилган Тошкент авиакорхонасида янги-янги ташаббускор коллективларга йўл очиб берди. Уларда ҳам бир кунлик иш ҳақини тинчлик фондига ўтказишга азм этганлар сони кўпаймоқда.

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети бу ташаббусни юксак баҳолайди. Бутун жаҳонда Халқаро тинчлик йили деб қабул қилинган янги йил совет кишиларига, планетамизнинг барча халқларига тинчлик ва саодат келтирсин!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Биродарлашган шаҳарлар дўстлиги

2 январь, 1986 йил.

ДАСТЛАБКИ ОДИМЛАР

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонгандан кейин ишчи ва деҳқонларнинг дунёда биринчи социалистик давлати туб ўзгаришларни амалга оширди. Партия олдида: Совет давлатини ташкил қилиш ва мустаҳкамлаш, жамиятни социалистик асосларда қайта қуриш, мамлакатни душман капиталистик қуршовидан ҳимоя қилишни уюштириш каби янги тарихий вазифалари турарди.

Дунёда биринчи социалистик давлат ғоят мураккаб ва қийин вазиятда иш бошлаганди: ахир, тарихда илк марта социализмга йўл солинаётган эди-да! Бунинг устига мамлакат ҳам иқтисодий жиҳатдан нисбатан қолоқ, уруш эса давом этаётган эди. Уруш мамлакатни хонавайрон ва хароб қилган, халқаро капитал ағдариб ташлаган эксплуататорларни қўллаб-қувватларди.

1917 йил 25 октябрда кечқурун очилган Советларнинг II съездида мамлакатдаги 400 дан зиёд Советларнинг вакиллари қатнашди. Съезд биринчи куниёқ В. И. Ленин томонидан ёзилган «Ишчи, солдат ва деҳқонларга!» деган хитобномани қабул қилди. Съезднинг иккинчи мажлисида, 26 октябрда В. И. Ленин ўзининг биринчи докладини тинчлик масаласига бағишлади.

Съезд якдиллик билан тинчлик тўғрисида Декрет қабул қилди.

Бу тарихий Декретда **«Уруш инсоният қарши жуда ҳам катта жиноят»** деб эълон қилинди.

Унда Совет ҳукуматининг ҳар қандай босқинчилик шартномаларидан тамомила воз кечганлиги эълон қилинди ва барча урушаётган халқларга ҳамда уларнинг ҳукуматларига умумий, адолатли, демократик сулҳ тузиш тўғрисида дарҳол музокара бошлаш таклиф этилди.

Шундай қилиб, ҳокимиятни ўз қўлига олган халқ биринчи навбатда сулҳ учун кураш бошлади ва бу ишда инсониятга намуна кўрсатиб, уни руҳлантирди. Мана орадан неча йиллар, кўп воқеалар ўтди. Ҳаммасида мамлакатимиз Коммунистик партия етакчилигида тинчлик йўлини давом эттириб келяпти ва бутун жаҳонда тинчликнинг барқарор бўлиши учун астойдил курашмоқда.

Ҳ. АБРОРОВ.

ИНТЕРНАЦИОНАЛ БУРЧГА САДОҚАТ

В. И. Ленин Улуғ Октябрь ғалабасининг дастлабки кунларидаёқ тинчлик тўғрисидаги Декретни имзолади. Мана 69 йилдирки партия ва ҳукуматимиз, совет халқи ўзининг бутун куч-ғайратини сафарбар этиб тинчлик ишини оғишмай ҳимоя қилиб келмоқда. Ер куррасидаги барча инсоният жаҳонда тўнғич Советлар мамлакатининг тинчликсевар сиёсатини қўллаб-қувватламоқда.

БМТнинг Бош ассамблеяси 1986 йилни Халқаро тинчлик йили деб эълон қилди.

Жаҳон биродарлашган шаҳарлар федерацияси ва шу ташкилотга аъзо бўлган биродарлашган шаҳарлар халқлар ўртасида дўстлик ва ўзаро тушунчани мустаҳкамлашда, ер куррасида тинчлик барқарор бўлиши учун курашда, турли соҳаларда олиб борилаётган ҳамкорликни ривожлантиришда катта ишлар олиб бормоқда. 1943 йилда жафо чеккан Волгоград шаҳри биринчи бўлиб Англиядаги Ковентри шаҳри билан биродарлашди. Бугунги кунда юзлаб совет шаҳарлари қардош социалистик мамлакатлар шаҳарлари, 60 дан ортиқ капиталистик ва ривожланаётган мамлакатлар шаҳарлари билан биродарлашган.

Мухбирларимиз А. Пўлатов ва Э. Адайкина Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари В. А. Алавутдиновдан Тошкентнинг биродарлик алоқалари ҳақида ҳикоя қилиб беришни сўрашди.

— Васила Алавутдиновна, Ўзбекистон пойтахтининг биродарлашган шаҳарлар билан олиб бораётган дўстлик алоқалари ҳақида гапириб берсангиз.

— Тошкент Ҳиндистондаги Патиёла, Тунисдаги Тунис, Марокколаги Марокаш, Ливиядаги Триполи, АҚШдаги Сиэтл, Югославиядаги Скопле сингари шаҳарлар билан биродарлашган. Тошкентликлар биродарлашган шаҳарлар билан олиб борилаётган самарали алоқалар ҳақида радио ва телевидение, газеталар саҳифалари орқали яхши хабардор бўлиб турибдилар.

Фақат кейинги уч йилнинг ўзидагина биродарлашган шаҳарлар билан бир қатор қизиқарли тадбирлар ўтказилди. Улар Ўзбекистонда бўлган Македония Социалистик Республикаси ва Македонияда эса Ўзбекистон ССР маданияти кунларидир. Дўстлашган Македониянинг пойтахти Скопле делегацияси, Америкадаги Сиэтл шаҳри жамоатчилиги вакиллари Тошкентда меҳмон бўлдилар. 1984 йилнинг кўз фаслида Сиэтл шаҳри мэри жаноб Чарльз Ройер Тошкентда бўлганида бундай деган эди: «Агарда барча америкаликлар биз бу ерда кўрганларимизни ўз кўзлари билан кўришганида эди, биз учрашган кишиларнинг самимийлигини, уларнинг ер куррасидаги барча халқлар билан тинчлик ва дўстликда яшашга бўлган интилишини яққол тасаввур этган бўлур эдилар...»

Шу йили Сиэтлда Тошкент кунлари бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар делегациясининг биродарлашган шаҳарда меҳмон бўлиши телевидение, матбуот орқали кенг ёритилди.

— Бундай дўстона учрашувларда фотокўргазмалар намойиш этиляптими, санъат усталари маҳоратини намойиш қилмоқдами!

— Албатта. Чинакам санъатнинг тили интернационалдир. Буни биз Ўзбекистон артистларининг барча биродарлашган шаҳарларда самимий ва дўстона кутиб олинганлигида кўрамиз. Сиэтлда «Тановар» деган ансамбль бор. Унинг бадиий раҳбари Лорелла Грей Тошкентда бўлганида ўзбек рақс усталарининг маҳорати билан яқиндан танишди. У ўз сафари чоғида бўлажак ансамблни «Тановар» деб номлашгани ва шу билан биродарлашган шаҳар — Ўзбекистон пойтахтига кўрсатилган ҳурматни ифодалаб гапирган эди.

Маданий алоқалар йил сайин кенгайиб, ранг-баранг бўлиб бормоқда. Булар турли касбдаги кишиларнинг учрашувлари, турли санъат байрамларини ўтказиш, болалар ижодиёти ва рассомлар кўргазмаларини намойиш этишдан иборат. СССР халқлари дўстлиги, Ўзбекистон халқлари тарихи музейларида, республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида биродарлашган шаҳарлар фаолиятини акс эттирувчи бўлимлар бор.

Махсус туристлар группаси Тунисда меҳмон бўлди. Биродарлашган шаҳарга Тошкент ҳақида ҳикоя қилувчи фотокўргазма, диёримиз ҳақидаги ҳужжатли фильм, амалий санъат усталари ясаган буюмлар совға этиб топширилди.

Совет халқи 40 йилдан ортиқ вақтдан буён тинчликда яшамоқда.

Тинчликни ҳимоя қилиш, ер куррасида халқлари ўртасидаги дўстликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш — бизнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчимиздир. Бугунги кунда Тошкент корхоналарининг маҳсулотлари жаҳон мамлакатларининг 75 адресига жўнатилмоқда. Маҳсулотларимиз 60 дан ортиқ халқаро кўргазма ва ярмаркаларда намойиш этилмоқда.

Ишчи коллективлари

ЭЗГУ ИСТАК

Бу воқеа 1984 йилда, бутун мамлакатимизда Улуғ Ватан урушида немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган ғалабанинг 40 йиллигига тайёргарлик бошланганда юз берган эди. «Госкомсельхозтехника»нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли тажриба ремонт-механика заводининг деталларни қайта тиклаш цехидаги Игорь Нагибин бошлиқ бригада йигитлари тушлик танаффус пайтида суҳбатлашиб ўтириб, ўтган уруш воқеаларини эслашди. Урушдан кейинги 40 йиллик муддатда Коммунистик партия ва Совет ҳукумати дунёда тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўп куч ва ғайрат сарфлаётганлиги ҳақида гапиришди. Шунда бригада аъзоси Малик Мабусаев: «Йигитлар, Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан ҳар ойда маошимизнинг бир қисмини Тинчлик фондига ўтказсак дейман, шунга нима дейсизлар»?, деди. Кўпчиликка бу таклиф маъқул бўлди. Шундан кейин бригада аъзолари Ғалаба байрамига қадар ойлик маошларининг 1 процентини, Малик Мабусаев эса 2 процентини Тинчлик фондига ўтказиб туришди.

Яқинда биз заводда бўлиб, шу бригаданинг аъзолари билан суҳбатлашдик. Бригада аъзолари 1986 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси томонидан Халқаро Тинчлик йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан келгуси йилдан яна иш ҳақларининг 1 процентини Тинчлик фондига ўтказишга аҳд қилишибди.

Биз бригада аъзолари билан цех бошлиғи хонасида суҳбатлашдик. Уларнинг ҳаммаси Улуғ Ватан урушидан кейин туғилишган. Лекин уларнинг ҳар бири ўтган уруш даҳшатларини билишади.

— Мен ҳарбий хизматни бундан ўн йил аввал Ленинград шаҳрида ўтаганман, ...ига ҳам оғир кулфатлар солдеди бригаданинг пешқадам... Уруш бошланганиниши билан ишчиси Юрий Сержантов, ...оллективда меҳнатда қилаётЛенинградлик 600 минг урун йигитларнинг 37 процентини қурбони мангу уйқуда ...ттиёрий равишда да фронтга Пискарев қабристонини ...зтди. Уруш ғалаба...аба билан турат қилганимда, шаҳар қамалаган фронтга кетгетган йигитда қолган пайтда очлик ...азнинг фақат бир...бир қисмигина бини бошдан кечириб, кей...айтиб келди. Улар...ларнинг ай...имлари ҳамон жонжонажон колектив...ларида меҳнатда қилиб, ...оммунизмнинг мо...моддий-техни...а базасини юзагага келтириш...шига ўзларининг ...г муносиб ...иссаларини қўшишишяпти.

Дарҳақиқат, корхона ўз олига қўйилган вазифаси жи...атидан ҳам тинчлик ва дўстликка, совет ки...кишиларининг турмуш-фаровонлигини оши...ишга хизмат қилишга даъват ...тилгандир. Бу ерда...да ҳозир ...айдов тракторларининг мо...орларидан тортиб...иб, ...каноп...радиган комбайнлар, 40 тонали гидропрессларгача ишлаб ...иқариляпти. Бу ... маҳсулотлар ...фақатгина Иттифоқдош республикаларга эмас, ...ас, балки чет ...илларга ҳам юборилиляпти.

Завод коллективи...и КПСС XXVII съездини мумуносиб ку...иб олиш учун бошошланган со...иалистик мусобақа...қада фаол ...иштирок этиб, маҳсаҳсулот ишлаб чиқариш ва ... реализация ...қилиш бўйича беш ...ш йиллик ...а йиллик топшпшириқларни ...ортиғи билан ado эт этди. Заводдаги бригадалар ўр...ўртасида давом этаётган мусобақа...қада гидропресс цехидаги Т. Т. Мирзаев, деталларни қайта ти...тиклаш цехидаги Б. Отаматов, ...в, И. Нагибин бошлиқ бригада...адалар намуна бўлишяпти.

Игорь Нагибин бо...бошлиқ бригада азаматлари эсаэса ўзларининг ҳалол меҳнатлари...лари билан дунёда тинчликнинг нг мустаҳкамланишига ва м мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини юзюзага келтиришга ҳисса қўшўшаётганликларидан беҳад фахрлрланадилар.

А. ЭГАМНАЗАЗАРОВ.

Минг бир касб

КЎЧА ФИДОЙИЛАРИ

Фаррош меҳнати. Қаҳрамон она, меҳнат ветерани Инобат Содиқова билан суҳбатлашганимизда ҳам мавзу нуқул шу сўзларга келиб тақалаверди. У куюниб, қувониб айтган барча гаплар ҳақ.

— Энг аввал тинчлик бўлсин.

Инобат опа ўн фарзандининг онаси. Болалари, уйи ҳовлисининг сариштилигига ҳам бош-қош. **Уйида сариштa бўлмаган одам, кўчада ҳам сариштa бўлолмайди,**—дейди у. Бу сўзлар ҳаётининг формуласи десак хато бўлмас. Шунинг учун Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театридан тортиб Қорасарой кўчасининг бошланишигача ҳамиша тоза. Инобат опадай куюнчаклар шаҳримизда оз дейсизми? Мана улар: Маъфират Ғуломова, Далабой Раҳимов, Ёдгорой Ҳамдамова... ва яна, ва яна. Рўйхатни давом эттириш мумкин. Бу фидойиларнинг орзу-умиди бир: шаҳримиз ҳам, дунёмиз ҳам озодароқ, чиройлироқ бўлсин! Кўчаларга ҳам, дунёнинг юзига ҳам доғ тушмасин. Энг муҳими: Тинчлик бўлсин!

С. САИДОВ.

Парвоз топшириғининг муҳим банди

(Давоми. Боши 1-бетда).

КОМАНДИР МАҲОРАТИ

Ленинграддаги Пулково аэропортига бир неча юз километр қолганда самолётимиз пастлаша бошлади.

Ленинград қорбобоси Тошкентникидан фарқли равишда қорга, шамолга, туманга зиқналик қилмаган экан. Пулково аэропортига қўнишда ана шуларга дуч келамиз. Туман тушгани сабабли бу ердаги кўриниш бор-йўғи 400 метрни ташкил этади. Демак, самолётнинг олдинги трапи ёнида туриб, дум томонини зўрға фарқлаш мумкин. Бундай мураккаб об-ҳаво шароитида қўниш мумкинми? Башарти аэропорт Пулково аэропорти каби замонавий навигация ускуналари билан жиҳозланган, командирнинг эса ИКАО — граждан авиацияси халқаро иттифоқи категорияси бўйича қўнишга руҳсатномаси бўлса қўнмоқ мумкин. Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери Евгений Васильевич Хлинов ИКАОнинг биринчи категориясига эга. Демак, у ўзининг юксак касб маҳорати билан самолётларни энг мураккаб об-ҳаво шароитида қўндириш ҳуқуқини олган ва буни мунтазам тасдиқлаяпти. Эртага командир ўзининг 50 йиллигини ва штурвал ортидаги ишининг 30 йиллигини нишонлайди.

Юқорида айтганимиздек, самолёт «чамаланиб», бошқача айтганда, фақат приборлар кўрсатиши, ердаги навигация системалари асосида бошқариляпти. Биз ОВИ —ўта ёркин чироқлар йўналиши асосида қўнамиз.

— Чизиққача бир километр, — ҳудди атрофни қамраб олган туман орасидан чиқаётгандек эшитилади штурманнинг босиқ овози.

Биз 100 метр баландда-миз, чироқлар эса ҳамон туман ортидан кўринмайди. Мана рўпарамизда ёркин чироқлар шуъласи таралди.

— Қўняпмиз, — дейди командир ва унинг қўллари штурвални маҳкамроқ қисади.

Пулково аэропортининг аэродром-диспетчерлик пунктида экипажнинг: «рейс Тинчлик фонди ҳисобига», деб ёзилган парвоз топшириғини қизиқиш билан кўриб чиқишади. Одамлар йиғилишади. Экипаждан ушбу рейс ҳақида, тошкентликларнинг ташаббуси ҳақида сўрашади, уларнинг жавобларини эътибор билан тинглашади. Бунга Пулковода ҳам қизиқиб қолишгани кўриниб турибди. Ҳамшаҳарларимизнинг ташаббуси мамлакат миқёсида ҳам қанот қоқса ажаб эмас.

Авиакорхонанинг сиёсий-тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосари В. А. Сметанин хабар қилишича, тошкентликлар шу кунларда Тинчлик фонди ҳисобига 300 дан зиёд рейс бажарадилар. Бу Халқаро тинчлик йилига муносиб совғадир!

Ю. КАЗАЧЕНКО,
мухбиримиз, Тошкент — Ленинград —Тошкент.

Дўстликнинг олтин қўллари

Репортаж

Ўша куни Комсомол кўли жуда гавжум бўлиб кетди. Ҳамма Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғига ошиқарди. Негаки бу ерда ёшлар ва студентларнинг XII жаҳон фестивали шарафига «Биродарлик ярмаркаси» ташкил этилган эди. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, XII жаҳон фестивали шарафига Тошкентдаги ҳамма истироҳат ва дам олиш боғларида ана шундай «Биродарлик ярмаркаси» ташкил этилганди. Тошкентлик турли миллат вакилларининг фарзандлари ўз қўллари билан ясаган буюмларни харид қилишдан тушган пулларининг ҳаммасини фестиваль фондига ўтказдилар. Болаларнинг бундай саховати таҳсинга сазовор, албатта. Чунки мурғак қалблар тинчликнинг нақадар буюк куч эканлигини яхши ҳис қиладилар. Ахир, кинофильмлардан, спектакллардан урушнинг нақадар даҳшатли эканлигини яхши биласиз-да.

Ўша куни ажойиб воқеаларга бой бўлди. Студентлар биродарлигининг Куба вакили Гаванадан келиб Тошкентга фестиваль эстафетасини тантанали суратда топширди.

— Буларнинг ҳаммасини оддий сўзлар билан таърифлаш қийин, — дейди шаҳар комсомол комитетининг масъул ходими Хондамир Зуфаров, — ҳаяжонли фестиваль кунлари ҳам орқада қолди. Эндиликда эса фестиваль қатнашчилари ҳамма жойда қизғин учрашувлар ўтказмоқдалар, ўзларининг битмас-туганмас таассуротларини ҳикоя қилиб бермоқдалар.

Ҳа, тинчлик билан дўстлик бир-биридан ажралмас тасаввурлардир. Негаки дўстлик бор жойда тинчлик бўлади, тинчлик бор жойда эса дўстлик. XII жаҳон фестивалида СССРнинг расмий делегацияси аъзолари бўлишган — Фрунзе районидаги 9-билим юртининг ўқувчиси Фарида Мирзараҳматова (у интернационал дўстлик клубининг аъзоси ҳамдир), Куйбишев районидаги 241-мактабнинг катта пионер вожатийси Сайёра Хўжаевалар шу кунларда мактаблар, пионер уйларида қизиқарли учрашувлар ташкил этмоқдалар.

Яқинда «Компаньеро» операцияси ўтказилди. У Никарагуа болаларига ёрдам шиори остида бўлиб ўтди. Тошкент болалари Афғонистон Демократик Республикаси ёш фарзандларига ҳам муносиб ёрдам бермоқдалар.

Шаҳримизнинг деярли барча олий ўқув юртлари, ўрта махсус ўқув юртлари, билим юртлари, мактаблари, пионер саройлари ва уйларида интернационал дўстлик клублари иш олиб бормоқда. Клуб аъзолари Куба, Никарагуа, Вьетнам, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги озод ривожланиб келаётган мамлакатлар ёш фарзандлари билан ўзига хос мулоқотдалар. Дўстликнинг олтин қўллари ҳамма нарсага қодир! Бу қўллар ҳар қандай агрессорни тийиб олади, ёвузликларга эса ғов бўла олади. Буни кўҳна тарих кўп марта исботлаган. Интернационал дўстлик клубларининг аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси томонидан Халқаро тинчлик йили деб эълон этилган янги 1986 йилда кўпгина ранг-баранг тадбирлар ўтказишни режалаштириб қўйганлар.

Ҳ. ИКРОМОВ.

ФАХРЛИ ЕЛГИ

Маршрутли таксининг охирги бекатида бир қанча машиналар орасида бу микроавтобус кўзга яққол ташланиб турарди. Мана, унинг эшиги очилиб, навбатдаги пассажирлар ўз ўринларини эгаллай бошлашди. Ҳайдовчи одатдагидек газнинг педалини босиб, Тансиқбоев массиви томон йўл олади.

Мана етти йилдирки, шаҳримиз кўчаларида бортига Тинчлик сиймоси туширилган оқ қабутарли маршрутка аҳоли хизматида бўлмоқда. 2-маршрутли такси корхонасининг ҳайдовчилари томонидан ана шундай рейслардан тушган барча маблағ Совет Тинчлик фондига ўтказилади. 70635, 000700210 рақамли ҳисоб-китоб дафтарига ҳозиргача 5,589 сўм тушди. Бу маблағ болалар ва даволаш муассасалари, турар жой қурилишлари учун ишлатилади.

— Тинчлик эмблемаси туширилган машина рулига ўтирар эканман, ҳис-ҳаяжон ва шунинг билан бирга масъулият ҳис қиламан, — дейди коммунист ҳайдовчи Юрий Сергеевич Хомяков, — ўртоқ ишончини оқлашдан ҳамма бахт бўласа керак. Мана анча узоқ йўловчилар ...а ҳар хил.

Ҳадема смена алмаш. Диспетчерлик бўйнаси олдида Совет Тинчлик фонди учун ишлаш истагида бўлган йўловчилар кўпайган. Шу орасида корея илғаб, Улуғ Ватан уруши иштирокчилари Ф. Тихонов, А. Гиков, коммунист ҳайдовчилардан Н. Новоульский, Павлев, С. Муреян ва бошқалар бор. Тинчлик учун хизмат қилиш ҳаммамиз...а ҳар биримизнинг ишимиздир, шунинг учун ҳам бу ишга ...ан бу ерда кенг тусмоқда...ана тўрт йилдирки, ҳайдовчи Идрис Саитов ҳар га...галги ойлигидан Совет Тинчлик фондига 10 сўмдан ўтказмоқда. Коллектив томонидан ...ан ўн биринчи беш йиллик фондига, совет халқининг фашизмга устидан қозонган Ғалабаси учун ўрнатилган ...м мемориал қурилишига кўплаб маблағ ўтказилди.

...Яна бир иш куни якунланмоқда. Микроавтобуслар рейслардан қайтмоқда, ҳадемай паркдаги машиналар қатори бортига оқ кабутбутар эмблемаси туширилган машина ҳам ўз ўрнидан жой ...олади. Эртасига тошкентликлар уни шаҳримиз кўчаларида да яна кўришади.

СУРАТДА: коммунист ҳайдовчи Ю. Хомяков ...йўловчиларни чиқиб бўлишларини кутмоқда. Машина ҳадемай массив томон йўл олади.

Т. Каримов фотоси.

«Дўстлик ва Тинчликдир пок ниятимиз».

ҚЎЗИЧОҒИМ, СИРА БЎЛМАСИН УРУШ

Беш ёшли набирам Комилахон боғчадан кела солиб бўйнимга осилиб қолди:

— Бува, буважон тинчлик дегани нима?

— Тинчлик — бу уруш бўлмасин деганида бўталоғим, — дея жавоб бердим.

— Урушчи, уруш нима ўзи?

— Уруш... Қандай тушунтирсам экан.

Мурғак қалбида тасаввур ҳосил қилиш учун бошимдан кечирган бир воқеани айтиб бердим.

1942 йил. Бутун мамлакатни уруш даҳшати қоплаган пайт. Шундай пайтда қўл қовуштириб ўтириб бўлармиди. Етуклик аттестатимни олишим биланоқ фронтга жўнатишларини илтимос қилдим. Ҳарбий комиссариатга бордим. Қўлимга чақирув қоғозини тутқазишди.

Эртасига поездга ўтириб жўнаб кетдим. Дастлаб Иваново областининг «Ильина» разъездига келиб тушдик. Бу ерда қисқа машғулотлардан сўнг ҳаммамизни турли бўлинмаларга жўнатишди. Биз фарғоналик Самиғжон деган дўстим билан Украина фронтига йўл олдик. Бизни полк разведка бўлимига қабул қилишди.

1943 йилнинг 16 январи сира эсимдан чиқмайди. Ўша куни командиримиз олти кишидан иборат разведка группасини тузди. Группа составида Самиғжон иккаламиз ҳам бор эдик. Олдимизга қўйилган мақсад душман позициясини аниқлаш ва «тил» тутиб келтиришдан иборат эди.

Ярим кечада йўлга тушдик. Қия тепалик бўйлаб деярли эмаклаб борардик. Ҳушёр ва зийраклик билан иш кўриш лозим. Чунки йўл-йўлакай душман постлари бўлиб, улар бизни сезиб қолишлари мумкин эди. Бу ҳолда бутун ишимиз барбод бўлиши мумкин. Чамаси тўрт километрча йўл босиб ўтиб белгиланган маррага етиб келдик. Постдагиларнинг кўпчилигини ширин уйқу элитган. Қулай вақтдан фойдаланиб қолиш керак. Биринчи пунктда турган соқчини мўлжалга олдик. У кўприк устида хуштак чалганча у ёқ-бу ёққа юриб турарди. Группамиз командири Самиғжон иккимизни имлаб олдига чақирди, шивирлаб топшириқ берди.

Буйруқни бажаргани жўнадик. Соқчини бир ҳамладаёқ қўлга олдик. Кўзлари ола-кула бўлиб кетган фашист сўзимизга жимгина итоат қилди. Лекин шу чоқ автоматнинг тариллаган овози эшитилиб қолди. Чамаси иккинчи пунктдагилар бизни сезиб қолишди шекилли. Бирдан ўртамизда аёвсиз жанг бошланиб кетди. Ўзимизни ўрмонга урдик. Кўп ўтмай оёқларимни босолмай қолдим. Кейин билсам иккала оёғимдан қаттиқ яраланган экан. Тобора аъзоя баданим куйиб борарди. Ҳушимдан кетиб йиқилдим. Эрталаб кўзимни очсам бир уйда ётибман. Уй бекаси, кечаси дўстларим мени шу ерда қолдириб кетишганини айтди. Ўшанда группамиздан 2 киши — мен ва Коля Смирновгина тирик қолди, холос. Коля қўлга киритилган «тил» билан зўр-базўр полкка етиб келибди. Эртасига дўстларимизни қабрга қўйдик. Улар орасида Самиғжон ҳам бор эди.

Набирамга ҳикоя қиларканман, кўз ўнгимда бевақт умри ҳазон бўлган дўстларимнинг қиёфаси гавдаланарди. Орадан шунча йиллар ўтиб кетибдики, уруш келтирган фожиалар даҳшати ҳамон хаёлимиздан бир зум нари кетмайди. Бугунги гулгун ҳаётимизни кўриб ҳамиша тинчлик барқарор бўлсин, дунёда сира-сира уруш бўлмасин, дея одамларга баралла айтгим келади.

Т. ҚОСИМОВ,
Улуғ Ватан урушн қатнашчиси.

...ойиҳа устахоналарида

МЕТР...ИНГ ЯНГИ...И СТ...НЦИЯСИ...И

Ҳеч шубҳа йўқ, Тошкент метросининг ...лик» бекати совет ки...нинг азалий орзуси яна на...мойиш қилади.

Тошкент метро...и-кинчи линияси у...навбати станцияларидан бири «Тинчлик» деб ...иган бўлди. Янги бекат лойи...ҳаси «Ташметропр...институтида тайёрланд...

Бекатнинг номи...сти билан ҳамоҳанг. У...ладиган жойда Тинчлик...алласи ва кўчаси бор. ...ан ташқари тинч...овет кишиларининг ...ий орзу ниятларидир. Со...т кишилари бутун е...ши узра ва ости ичра...ч бўлишини истайди.

Станция ўзига кў...нишга эга бўладиа...со...34 та устундан ...т. ...устунларнинг бези...кер...мика, шиша, гранарма...материаллари ...ишлатилади. «Тинчлик» бекати ай...айрим жиҳатлари билан «Ойбек» станциясига ўхшаб б...кетади. Унинг ёритгичлари ...станция устунлари теп...асида да бўлиб, гумбазсимон шифт...лар билан уйғунлашиб ...кетади. Ранг-баранг замонавий чироқлар бекатни ну...нурафшон этади.

Бекатнинг деворлари ало...ҳида кўринишга эга...га бўлади. Унга она табиат ...ранглари сингиб кетади. Она ...табиатни қўриқлаш — бу ...тинчлик рамзидир. Бу кўрини...иш ер ости йўлкалари, кириш ва чиқиш йўлкалари —ве...вестибюлларгача уланиб кетади...ади. Станцияга икки томонда...ан зинали платформалардан ки...кирилади. Шунингдек, бекат ич...ичида йўловчилар учун бир қ...катор кулайликлар яратиш ҳа...ҳам кўзда тутилган.

Олам мунаввар

Мирзакалон ИСМОИЛИЙ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

Ҳар бир йилимиз ўз хосиятлари, баркамол меҳнати, бахт-саодати, қувонч-ташвиши, режаларининг бажарилиши билан қалбимизга муҳрланиб, тарих зарварағига айланади. 1985 йил ўзининг хайрли ишларини адо этиб, тарихга кирди. Йигирманчи асримизнинг 1986 йили ҳам тинчлик-хотиржамлик, жўшқин ҳаёт тўлқини билан бошланди.

Янги йилимиз шонли, хайрли, саховатли, ажойиб воқеаларга бой бўлиши сезилиб, кўриниб турибди. Бу йил пойтахтимиз Москвада жонажон Коммунистик партиямизнинг катта анжумани — КПССнинг XXVII съезди ва Тошкентда Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди бўлиб ўтади. Заҳматкаш ўн биринчи беш йилликка якун ясалиб, зафарли ўн иккинчи беш йилликнинг вазифалари белгиланади. Коммунистик партиямиз биз, совет кишиларининг гўзал ҳаёти, турмуш фаровонлиги, тинч ижодий меҳнати учун доимий ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда.

Мамлакатимиз дунёдаги энг тинчликсевар давлат эканлиги рўйи-жаҳонга маълум. Совет давлати барпо этилган дастлабки кунлардаёқ доҳиймиз В. И. Ленин тинчлик декретига имзо чеккан эди. Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимизнинг асосий мақсади дунёда Тинчликни сақлаб қолишга қаратилган. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Женевадаги олий даражадаги учрашувда ядро уруши хавфини камайтириш, космосда қуролланиш пойгасига йўл қўймаслик ва ердаги қуролланиш пойгасини тўхтатиш ҳақида айтган қимматли фикрлари инсониятнинг тинч-тотув яшашига, дунёда тинчлик барқарор топишига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Янги— 1986 йилнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси томонидан Тинчлик йили деб эълон қилиниши Ватанимиз халқларининг мақсади — тинчлик мақсадига муштарак бўлган қувончли воқеадир. Муҳим бу тадбир туфайли дунёда тинчлик бўлиши учун буюк ишлар амалга оширилади деб умид қиламан. Уруш оловини ёқаётган, қуролланиш пойгасига зўр бераётган, эрксевар халқларни уруш гирдобига тортаётган АҚШ империализми ва унинг корчалонларига зарба бериш пайти келди. Афсус-надомат билан айтиш керакки, ҳозирги пайтда Ер юзида уруш оловини ёқаётган, самовий урушларни авж олдирмоқчи бўлаётган АҚШ империализмининг телбаларча ҳаракати инсоният ҳаётига даҳшатли хавф солмоқда. Қуролланишга беҳисоб бойликларни совураётган империалистлар ўз мамлакатларидаги оч-яланғочларни, юпунларни, уйжойсиз одамларни, хароба кулбаларда яшаётганларни ўйласалар бўлмайдими?! Йўқ, бойликка ўч «сариқ иблис»—олтин бандалари қуролланишни, эрксевар мамлакатларга қурол пуллаб катта-катта сармоя ишлашни кўзлайдилар.

Уруш, қирғинбарот, қуролланиш — булар инсоният бошига даҳшату фалокат, ғаму кулфат, офату жароҳат етказади, бир сўз билан айтганда уруш—ўлим комидир. Мен урушни ўз кўзим билан кўрганман. Ана шу урушда Ватанимизнинг 20 миллион энг сара одамларидан жудо бўлдик, шулар эсимга тушганда «Урушнинг номи ўчсин!» деб лаънатлайман. Ўша оғир уруш йиллари бир бурда нон — жондек азиз бўлганларини эслаб эзиламан, ҳозирги фаровон, тўкинсочин, дориломон замонамизни, бахтли турмушимизни кўриб беҳад шодланаман.

Дарвоқе, дунёда нондек азиз, нондан яхши неъмат йўқ, у она сутидек муқаддас! Биз бу неъматни доим эъзозлаймиз. Тинчлик ҳам биз учун нондек азиз, она сутидек муқаддас тушунча бўлиб қолган. Зеро, Тинчлик бўлса, инсон эзгу меҳнати билан барча бойликларни яратиб, бутун оламни мунаввар этади.

Тинчлик барқарор бўлсин. Ер юзидаги барча эзгу ниятли одамлар омон бўлсин!

Малик ҚАЮМОВ, СССР халқ артисти.

ТИЛАКЛАРИМ

Заминнинг энг тансиқ сўзи— Тинчлик. Оналар ҳам фарзандларини кўрганда «тинчмисан» деб сўрайди. Аскарлар узоқ эллардан мактуб жўнатганда «Тинчмисизлар», деган сўзларни битади. Уйлар тинчми, деб сўраймиз. Ота-оналар, нуроний кексаларнинг тилагида ҳам шу сўз: «Тинчлик бўлсин!». Демак Тинчлик ҳаммамизга керак. Ҳаммамиз — биз, сиз, улар— бутун инсоният ушбу кун Тинчлик истайди.

Мен хизмат тақозоси билан жуда кўп сафарларда бўлганман. Ва ўша саёҳатларда кўриб, амин бўлганим: дунёнинг қай бурчагига борманг —барча инсонларнинг орзу-армони ҳам шу — Тинчлик.

Тинчлик менга нима учун керак? Барча оддий одамларга нима учун керак бўлса менга ҳам Тинчлик шунинг учун зарур. Яшаш, меҳнат қилиш, меҳнатим натижаларидан қувониш учун зарур. Булар ер юзига одам номи билан келган ҳар бир тирик жоннинг табиий ҳуқуқлари. Лекин ирқчилар буни истамайди, капиталист корчалонлар, ўлим савдогарлари буни хоҳлашмайди. Шу боисдан мен суратга олаётган ленталар биринчи навбатда Тинчлик, инсонлар бахт-саодатига хизмат қилсин дейман. Одамларнинг кўнглида ҳаётга, тирикликка меҳр-муҳаббат уйғотсам дейман. Уйлар ҳам, кўнгиллар ҳам ҳамиша тинч бўлсин. Ёруғ дунёмиз тинч бўлсин.



Оқшомхонлар учун учрашув

ҚАСИДА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Шерали Жўраевнинг номи қўшиқ ихлосмандларига яхши таниш. У замонавий ўзбек санъатига янги кўй-қўшиқларни маҳорат билан олиб кираётган хонанда. Ўз ансамбли ижросида қардош халқлар, шунингдек Европа халқлари чолғу асбоблари оҳангларини миллий куйларга сингдираётган хонанда ҳозирги замон мусиқаси сир-асроридан яхши хабардор. Кўп сонли оқшомхонларнинг илтимосига биноан мухбиримиз санъаткор билан учрашиб суҳбатлашди. Қуйида шу суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

— Мабодо саҳнада битта қўшиқ айтиш имкони бўлса қайси қўшиқни куйлардингиз!

— Ёруғ дунёга инсон номи билан қадам қўйган эканман, умрим келажагининг охирги нуқтасигача шу ном билан боришга интиламан. Гар шундай экан, менда юқоридагидек имконият туғилса, тинчлик қасидаси— «Инсон қасидаси»ни куйлаган бўлардим. Чунки:

Собиту сайёрада
Инсон ўзинг, инсон ўзинг,
Мулки олам ичра бир
Хоқон ўзинг, хоқон ўзинг...
(Э. Воҳидов)

— Сизнинг классик ва ҳозирги замон шеъриятига, умуман адабиётга муносабатингиз!

— Санъатнинг қайси соҳасида бўлишидан қатъий назар ўзини ижодкор ҳисоблаган одам классик шеъриятдан, ҳозирги замоннинг шоирлари асарларидан бехабар юриши мумкин бўлмаса керак. Навоий, Увайсий, Нодира... Улар қолдирган сўзлар ҳофизлар тилида «дур ва гавҳар»лар аталар. Соф дуру гавҳарларга кўзи тушган ҳар қандай ҳис қилувчи одам бефарқ қололмаслиги аниқ.

Совет адабиётининг Гамзатов, Вознесенский сингари намояндалари ўзига хос шоир эканликлари билан менга шеъриятда отилган вулқондек туюлади. Негаки, вулқондан тоғ пайдо бўлади. Э. Воҳидов, А. Ориповларнинг шеърларини ўқишни шу қадар қўмсайманки... агар истаган шеъримни топиб ўқисам, ўз-ўзидан оҳанг туғилаверади.

—Сиз Тошкентда ўқигансиз. Кўп йилларингиз шу шаҳар билан боғлиқ. Тошкент ҳақида қўшиқлар яратиш ниятингиз йўқ эмасдир.

Мен «Тошкент оқшоми»нинг 30 ноябрь сонида эълон қилинган «Тинчликнинг оқ кабутарлари» деган мақолани зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Мақолада ижтимоий-сиёсий қўшиқчилигимизнинг муаммолари республикамиз миқёсидаги энг актуал ва ҳеч кечиктирилмасдан ҳал қилиниши лозим бўлган масала сифатида ўзининг олийжаноб маслаги билан партиямизнинг даъватига «лаббай» депти, десак арзийди. Зотан биз шундай ижодкор коллективни кўпдан бери орзиқиб кутган эдик.

Дадахон Ҳасановнинг то ҳозиргача ижро этган ва аксариятини ўзи басталаган лирик қўшиқлари халқимиз орасида мавридли кўтарилган.

Сирасини олганимизда ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий ватанпарварлик руҳи билан суғорилган қўшиқларга жиддий зарурат сезилмоқда. Мана қирқ йилдирки Ватанимиз осмони мусаффо, турмушимиз тинч ва фаровон, меҳнатсевар халқимиз эса коммунистик яратувчиликнинг барча жабҳаларида қаҳрамонона ишлар қилмоқда. Доно партиямиз халқ фаровонлигини тобора яхшилаш, ер юзида тинчлик ва осойишталик барқарор бўлиши учун тинмай курашмоқда. Шу боис социалистик Ватанимизда Эрк ва Адолатни, Меҳнат ва Тинчликни улуғловчи ўзбек қўшиқлари ҳам авж пардаларда Замин узра барала янграши керак.

Бу хусусда хонанда, шоир ва бастакор Дадахон Ҳасанов ташаббуси билан тузилган «Шоҳимардон сойлари» ансамбли кенг ёйилган ва оммалашган.

Мен Совет Армияси сафида қарийб чорак аср хизматим мобайнида унинг лирик қўшиқларини совет жангчилари томонидан ҳам севиб тингланиб келинаётганлигини, узоқ-узоқ гарнизонларда хонаданинг овози ёзилган грампластинка ва музика ёзувлари қайта-қайта қўйилиб келинаётганликларининг гувоҳиман. Унинг янги жанрдаги, ижтимоий-сиёсий қўшиқчиликдаги дастлабки қадами ҳам халқимизга манзур бўлмоқда, катта истиқболга эга бўлган истеъдод соҳиби сифатида тан олинмоқда.

Дадахон Ҳасанов ижро этган «Марух довони», «Уруш номи ўчсин жаҳонда», «ХХ аср нидоси», «Муинн Бсису», «Тунислик бола» ва қатор қўшиқлари халқимиз орасида кенг ёйилди.

Бинобарин ижтимоий-сиёсий ватанпарварлик туйғуларини тараннум этувчи қўшиқларнинг оммалашиб кетишига шак-шубҳа йўқ.

Аммо республикамизнинг матбуот органларида ансамблни бирорта ижодий ташкилотга бириктириб қўйиш ҳақидаги масала муқаддам кўтарилганлигига қарамасдан, ҳануэгача у жамоатчилик асосида иш кўраётганлиги таажжубли бир ҳол. Агар бу муаммо эрдлик билан ҳал қилинмаса, рўй-рост айтишимиз керак, биз ансамблни йўқотиб қўйишимиз мумкин. Менимча уни Ўзбекистон Композиторлар союзига бириктириб қўйилса айни муддао бўларди. Молиявий томонларини эса Ўзбекистон ССР Тинчлик фондига юклатилса. Фақат шундагина ансамблнинг репертуари ва унинг тез фурсатда оёққа туриши пухта таъминланган бўларди. Бинобарин, ансамблнинг нафақат республикамиз, балки Иттифоқ миқёсида ҳам танилишига замин яратилган бўлар эди.

Бобокалон РЎЗИЕВ,
подполковник.

— Тошкент — бағри кенглиги, одамларининг уддабуронлиги билан менинг севимли шаҳримга айланган. Бу азим шаҳарга бағишлаб «Ленин ёққан қуёшсан» қўшиғини яратганман. Қадрдон шаҳар ҳақида янги қўшиқлар яратиш ниятиёким ҳамон сўнмаган.

— Ансамблдаги янги чолғу асбоблари талқини ҳақида...

— Фақатгина ижро этиш — ҳозирги замон қўшиқчиси учун етарли асос бўлолмайди. У чолғу асбобларини танлашда устакор, оҳангни саралашда билимдон бўлиши керак.

Дастлаб менга «ўзбек мусиқасига орган-порганларни қўшяпсиз, миллий музикамиз бузилади, савияси йўқолади» деб «маслаҳат» берганлар ҳам бўлди. Менинг назаримда, қўшиқчиларимизда тингловчилар эҳтиёжини ҳам инобатга олиш лозим.

— Тинчлик ишига қўшаётган ҳиссангиз ҳақида нима деёласиз!

— Биринчи навбатда— одамлар кўнглини қўшиқ билан кўтариш, уларнинг ҳаётга, яшашга бўлган меҳрини оширишда заррача бўлса ҳам ёрдамим тегса — бурчимни бажарганман деб биламан. Биз яқинда Америка Қўшма Штатларида бўлдик. Ва у ердаги оддий халқнинг ҳам ягона орзу-умиди Тинчлик эканига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Шунинг учун қўшиқ айтаман.

Тинчлик деган шиор бизга
шиор ҳамиша,
Шиоримиз таралмоқда
қитъалар оша...

— «Тошкент оқшоми» газетхонларига тилагингиз...

— Эзгу тилакларим: осмону заминимиз тинч бўлсин, хонадонлардан осойишталик аримасин! Яратилажак қўшиқларим уларнинг бир дунё қувончларига ҳамоҳанг бўлсин!

Тошкент— жаҳонга

Самарали лойиҳа

● «Узгипроводхоз» институтининг мутахассислари чет мамлакатлар буюртмаси асосида қўриқ ерларни ўзлаштириш учун ҳам лойиҳалар тайёрлаб беришмоқда. Гвинея учун тайёрланган лойиҳа 2400 гектар майдондаги қуруқ ерларни ўзлаштириш ва шоли етиштириш учун мўлжалланган. Бундан ташқари Эфиопиядаги Аваш дарёси водийсида олти минг гектар майдондаги ерни суғориш учун техника-иқтисодий кўрсаткичлар асослаб берилди. Қўриқ ерларни ўзлаштиришда Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг Афғонистон ва Сурияда меҳнат қилаётган мутахассислари дўстларимизга яқиндан ёрдам беришмоқда.

● Республика мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг экскаватор ремонти тажриба-механика заводи меҳнатчилари Сурия, Ироқ, Афғонистон буюртмасини бажариб беришди. Бу мамлакатларга гидротехника иншоотларида ишлатиладиган электроприводли қирқта кўтарма ускуна жўнатилди.

Ана шу министрликка қарашли «Иргидромаш» экспериментал заводи Сурия Араб республикаси адресига гидроиншоотларда ишлатиладиган махсус кранни тайёрлаб жўнатди. Бу корхонанинг дастлабки экспортидир.

САЛОМ, БЕҒУБОР ДУНЁ!

Дунё бахтиёр, болаларнинг шодон қийқириғи, гул табассуми билан гўзал. Нияти пок, юраги ёруғ нурга тўла ҳар бир Инсон заминга фақат рўшнолик, тинчлик, осудалик тилайди. Тинчликнинг ибтидоси эса келажакка комил ишонч, олий орзулар ва беғуборлик.

Дўмбоқ Қизалоқ, сен яйраб ўс. Сенинг осмонинг ҳамиша мусаффо бўлсин. Замин сенинг табассумингдан ёришиб, яшнаб кетсин. Сенинг келажагингга ҳаммаларнинг ҳаваси келсин. Кулгуларинг жаранги еру-кўкни тутсин. Миллионлаб сенга тенгдош дунёнинг дўмбоқ болалари ўз асрига ҳамиша табассум ва ифтихор ила пешвоз чиқиб салом, беғубор дунём менинг десин.

Осмонинг ипакқанот қушлар билан тўлсин.

Бўстонингда капалаклар парвоз этсин.

Ошёнингда ҳамиша сомонлик, хўшхабарлик, қут-барака, шоду-хуррамлик барқарор бўлсин!

Яйраб ўс қизалоқ, дил гавҳаримиз,
Биз гул табассумнинг посбонларимиз.

Маҳаллада нима гап?

ОСОЙИШТА ОЛАМ

Октябрь районидаги Самарқанд дарбоза маҳалласида Халқаро тинчлик йилига бағишлаб «Гулла, яшна ҳур ўлкам» кечаси ўтказилди.

Кечани маҳалла комитети раиси, Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат белгиси» орденлари нишондори, музика асбоблари фабрикаси ишчиси Мансур ака Мирзаев очди.

— Тинчлик ҳозирги замоннинг энг долзарб масаласи бўлиб, уни сақлаб қолиш ҳар бир кишининг инсоний бурчидир, — деди у ўз сўзида.

Филология фанлари кандидати доцент Сидиқ Асқаров эса Женевада бўлиб ўтган олий даражадаги Совет ва Америка раҳбарлари учрашуви ҳамда партиямизнинг тинчликсевар сиёсати ҳақида гапириб берди.

Нуроний отахонлар: —Саъдулла Ҳожимуҳамедов, Оқип Ғофуров ва Ислом Раҳимовлар тинчлик, дўстлик ва одоб-ахлоқ ҳақидаги фикрларини билдирдилар.

М. ҒАФУРОВА,
студент.

«ЕР ЖУДАЯМ ЧИРОЙЛИ»

Дунёнинг биринчи космонавти Юрий Гагарин коинотга чиққач, Ер куррасини «ташқаридан» кузатиб, шундай деган эди: «Қаранглар! Ер жудаям чиройли, жудаям кичкина экан!»

Гагарин бу сўзи билан она-Сайёрамиз — Ернинг ниҳоятда гўзаллигини, унинг бу кенг оламда митти бир юлдуз эканини, лекин шу кичкина Сайёрамизда энг буюк неъмат — Ҳаёт борлигини, тўрт ярим миллиард жон битта бешикда — шу кичкина Сайёрада яшашини, курраи заминимизни эъзозлашимиз кераклигини хитоб қилган эди.

Ердаги Ҳаёт ҳурмати, она-табиатнинг биз инсонларга сарфлаётган меҳнатимиз ҳурмати, шу ширин ҳаётда яшаш ва меҳнат гаштини суриш учун келган одамзод ҳурмати — Сайёрамизда тинчлик, дўстлик, бахт-саодат барқарор бўлишини Биринчи комонавтимиз чин дилдан орзу қилган эди, шунинг учун ҳам у: «Ер жудаям чиройли» деб хитоб қилган эди.

АСР КЎРГАН ЗАМОНДОШ

ёки 112 ёшли Кимсан буви монологи

— Мана, XX асрнинг яна бир Янги йили ўзининг янги тилаклари билан кириб келди. Мана шу қутлуғ айёмда ер куррасидаги барча тинчликсевар халқлар ҳаммамиз учун муқаддас бўлган тинчлик сўзини тилга олмоқда. Дарҳақиқат, мана шу табаррук сўз билан Янги йил бошланди. Сизлар бу сўзларни ўқиётиб, бувимларнинг ёшлари 100 дан ошган бўлса ҳам жуда тиллари бийрон экан-а ёки бирор невара-чеваралари қўшиб ёзган деган хаёлга бораётган бўлсангиз керак, хойнахой. Йўқ, болаларим, менга ҳеч ким ўргатгани йўқ бу сўзларни, уни оққа кўчирган ўғлимнинг ҳам сўзлари эмас. Сиз бир нарсани ёдингиздан чиқарманг мен сизнинг замондошингизман. Шундай экан, бу сўзларни ҳар куни радиода, телевизорда, оилада, маҳалла-кўйда, дўст-қадрдонлар даврасида эшитаман. Қолаверса ўзим ўқимасамда, ҳар куни бўлмаса ҳам кун ора чевараларимга газета ўқитаман. Шундай экан, бувингизни сизга силлиқ туюлаётган сўзларидан энди ажабланмасангиз ҳам бўлади.

Жаҳонда Тинчлик йили бошланди. Бу сўз замирида олам-олам қувонч, шу билан бирга олам-олам қайғу, ғам-алам ётибди. Ҳа, ҳа, қайғу, ғам-алам. Бу аламлар фарзандлари доғлаб кетган қалби пора ота-оналар, тул қолган бевалар юрагида, етим қолган бегуноҳ болалар кўзида унутилмас из қолдирди. Шу дориломон кунлар ҳаммамиз учун азиз ва қадрлидир. Гоҳо кечалари кўзимдан уйқум қочиб, мижжа қоқмай чиқаман. Кўз ўнгимда ўша машъум уруш келтирган кулфатлар гавдаланаверади.

Уруш бошланганда мен 68 ёшда эдим. Ўшанда биз эндигина ўз ҳуқуқларимизни таниб, тинч ҳаёт кечира бошлаган эдик. Бироқ золим Гитлер хиёнаткорона уруш бошлади. У пайтдаги қийинчиликлар... Лекин халқимиз бир жон, бир тан бўлиб ортга чекинмади. Фронт ортида ҳақиқий фронт очилганди. Оталар, оналар фарзандлари, келинлар қаҳрамон ёрлари, болалар, қизлар оталари, ака-сингилларига мадад бўлиш учун тонг саҳардан то ярим тунгача меҳнат қилишарди. Булар зое кетмади. Халқимиз орзиқиб кутган Ғалабага эришди. Яна кишилар кўзида қувонч балқиди. Аммо бу қувонч бизга жуда қимматга тушди. Не-не йигит ва қизларимиз шаҳид бўлишди. Улар ўзларини мана шу фаровон, тинч, осойишта турмушимиз учун қурбон қилдилар.

Менинг ҳам ўғилларим — Абдураҳмон ва Маматқул Ватан ҳимоясига жўнашганди. Бироқ буюк Ғалаба куни улар қайтишмади. Тўғри, каттасидан қорахат олгандик. 18 ёшида урушга кетган Маматқулни умид билан кутардик. Чунки у дом-дараксиз кетганди. Аммо у келмади.

Мана шундай пайтлар у кўз ўнгимда гавдаланаверади. Ҳамон умидворлик билан йўлга кўз тикаман. Партия ва ҳукуматимиз ер юзида тинчликни сақлаб қолиш учун катта иш олиб бормоқда. Бу биз оналарни суюнтиради. Ахир тинчлик бўлса фарзандлар камолини кўрамиз, дўстлар кўпаяди. Дўстлик эса тинчлик пойдеворидир. Бироқ тили бошқа-ю, дили бошқа кимсалар тинчликка ҳам, дўстликка ҳам рахна солмоқчи бўлмоқдалар. Лекин, уларнинг бунга ҳеч қандай ҳаққи йўқ.

Баъзан хаёлга толиб ҳам йиғлайман, ҳам қувонаман. Беш фарзандим бор эди. Икки ўғлим урушда шаҳид кетди. Ҳозир қолган уч қиздан 96 невара, эвара, чевараларим бор. Катта қизим Кабира 85 ёшда, 20 дан ортиқ невара, чевара бувиси, Ундан кичиги Обидахон «Қаҳрамон она», кенжа қизим Ибодат эса 8 та фарзанд онаси. Агар ўша ёвуз уруш бўлмаганда уларнинг сафи яна кўпаярди. Бироқ малъун Гитлер газандаларининг риёкорлиги...

Бугун ана шу машъум урушни кўрган кўзларим, ғам-аламдан садпора юрагим безовта. Улар уруш такрорланмасин дея нидо қилади. Шу боис ҳам кечалари уйқум қочади. Наҳотки, ўша ғарблик ишбилармонлар ҳам инсон-ку, дея ўзимга-ўзим савол бераман. Лекин уларни тушунолмай бошим қотади.

Бу йил «Тинчлик йили» деб эълон қилинди. Бирдан бир орзуим шуки, шу «Тинчлик йили»дан тинчлик асрлари бошланса.

Бугунги кунда саккиз чеварам Ватан хизматида. Уларни тинчлик посбонлигида кўриб қувонаман. Мана шундай қувонч ва шодлик ҳар бир оилада баралла эшитилишини тилайман.

Кимсан буви монологини оққа кўчирувчи:

А. ЕТМИШБОЕВ.

ИНСОН ТУҒИЛДИ

Бутун борлиқ ширин уйқуда. Лекин мен хизмат қилаётган муассасада чироқ ўчмайди. Оқ халатли шифокорлар зийрак, тиним билмайдилар. Ана шундай сокин тун қўйнида инсон туғилди. Айтишга осон. Лекин унинг замирида бир олам мазмун бор. Дунёга янги меҳмон келган кун оила учун ҳам, эл-юрт учун ҳам қувончли воқеадир. Шунинг ўзи юрт бойлиги, мамлакат қудратидир.

Биз акушер-гинекологлар янги инсон туғилиши учун меҳнат қилар эканмиз хайрли касб эгалари бўлганлигимиз билан фахрланамиз. Жаҳонда фақат тинчлик инсон туғилишига олий хизмат қила олади. Урушни лаънатлаб, унинг йўлини тўсиш учун курашар эканмиз, биз бу муқаддас ва шарафли хаттиҳаракатимиз билан порлоқ келажакни, бўлғуси авлодларимизни ҳимоя қилган, жаҳонда тенгсиз тараққиёт яратган бўламиз.

М. АБДУСАМАТОВА,
2-туғруқхона бош врачи ўринбосари, акушер-гинеколог.

ПЛАКАТЛАРДА ТИНЧЛИК МАВЗУИ





Бутун жаҳон тинчликпарвар плакатчилари қатори Ўзбекистон мўйқалам усталари ҳам тасвирий санъат имкониятлари билан ер юзида тинч яшаш ғояларини актив ҳимоя қилмоқда. Тошкентлик таниқли архитектор — рассомлар Абдиғафур Зиёев ва Татьяна Тахтаревалар ана шундай хайрли ишга бел боғлаганлардан. Улар ҳамкорликда яратган «Планетамизни асраб қоламиз!» деб номланган плакат республика кўргазмаларида намойиш этилиб кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Тинчлик учун кураш совет комитети мазкур плакат ижро талқинини юксак баҳолаб, Прагада бўлиб ўтган «Тинчлик ва ядро урушсиз ҳаёт учун» деб номланган Бутунжаҳон ассамблеясида намойиш этишга тавсия қилди. Ҳамкорлик маҳсули бронза медали билан тақдирланди.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Фаррух Кагаров тинчлик ни ҳимоя қилиш республика комитетининг аъзоси. Актив ижодий фаолияти учун у Совет тинчлик фонди фахрий медали билан мукофотланган. Унинг «Урушга йўл йўқ!», «Мен тинчлик тарафдориман!» каби машҳур плакатларида қуролланиш пойгаси инсоният учун ҳалокатли йўналиш эканлиги яққол талқин топган.

Нури Галиевнинг «Ленин йўлидан коммунизм сари», Рамзи Алиевнинг «Бунёдкорона меҳнатимиз тинчлик учун», Ибодулла Абдуллаевнинг «АҚШда тайёрланган» каби график асарлари ҳам шу куннинг энг долзарб мавзуи— Тинчлик учун курашга бағишланган. Тошкентлик рассомларнинг сиёсий плакатлари ўзига хос тинчлик посбонларига айланмоқда.

О. АПУХТИН.
Автор фотоси.

Тонгги репортаж

«Кейинги бекат—тинчлик!»

Инқилоб ҳиёбонидан йўлга чиққан автобус «Дўстлик», «Пахтакор», «Москва», «Гунча» бекатларидан ўтиб навбатдаги тўхташ жойига яқинлашди. «Алоқа», кейинги бекат «Тинчлик» дея хитоб қилди ҳайдовчи. Ҳайдовчининг сўзлари халқлар ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши тинчликка олиб боради, дегандек жаранглади.

Навбатдаги бекатда автобусдан тушамиз. «Тинчлик» бекати бу. Бу ерда худди шу номда маҳалла, кўча бор. «Тинчлик» кўчаси ҳам, маҳалласи ҳам нон магазинидан бошланади. Тинчлик ва Нон — қанчалик ҳамоҳанг бу муқаддас сўзлар. Бири мустаҳкам бўлса, иккинчиси сероб бўлади.

Кўча муюлишида аввал келишганимиздек маҳалла комитетининг раиси Лутфулла Исматуллаев бизни кутиб турарди. Раис обрўли киши. У Тошкент метрополитенининг биринчи машинисти, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, коммунист.

Маҳалла кўчаларини айланамиз. Кўчалар равон, сердарахт. Аксари мевали дарахтлар, гуллар, Лутфулла ака гоҳ у, гоҳ бу уй ёнида тўхтаб шу уйда ким яшашини айтади. Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг номларини алоҳида ҳурмат билан такрорлайди. Маҳалланинг ўз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Республикада хизмат кўрсатган қурувчилари, ўқитувчилари бор экан.

Маҳалланинг қоқ ўртасида атрофи дарахтзор иккита бино эътиборимизни тортди. Лутфулла ака олмазор ёнида тўхтади ва жилмайди.

— Булар фарзандларимиз илм оладиган ва тарбияланадиган «қасрлар»— бири мактаб, иккинчиси болалар боғча-ясли си,— деди у фахр билан.

— Серфарзанд оилалар кўп бўлса керак?— дея сўрадик раисдан.

— Кўп бўлганда қандоқ, — жавоб қилди у.— Маҳаллада 342 хонадон бор. Аҳоли сони салкам 4 минг. Демак ҳар бир хонадонда 11 жондан ортиқ киши яшайди. Буларнинг ўндан саккиз қисми болалар — истиқбол эгалари деяверинг.

Маҳалланинг энг гавжум жойларидан бири «Тинчлик» чойхонаси. Бу ерга келганимизда чойхоначи, Улуғ Ватан уруши инвалиди Сиддиқжон ака Азимов самоварни қайнатиб, атрофни сарishталаш билан банд эди. Кўришдик. «Ҳадемай қариялар келиб қолишади», деди у яна ўз юмушини давом эттирар экан. Лутфулла аканинг айтишича, чойхоначининг вазифаси анчагина экан. Шулардан бири маҳаллада яшовчиларнинг ҳаммасини таниши шарт экан. Бунинг боиси четдан бирор киши келса бу ерда яшовчилардан бирортасининг уйини шу чойхоначидан сўраши мумкин экан. Чойхоначи эса ҳамиша иш жойида бўлиши сабабли бу вазифа азалий одатга кўра унинг зиммасида бўлиши шарт экан. Бундан ташқари ҳамманинг юриш-туришидан шу киши кўпроқ хабардор бўлар экан.

Ҳа, маҳалланинг ўз ҳаёти, ўз ташвишлари бор. Лекин ишонч ҳосил қилдикки, бу ердагилар маҳалланинг тўрт кўча оралиғидаги ҳаёти билан ўралашиб қолишган эмас. Улар шаҳарнинг, республиканинг, мамлакатнинг ташвишлари билан яшамоқдалар. Бутун дунёнинг ташвишлари ҳам уларга даҳлдор. Жаҳондаги неча миллиард меҳнаткаш аҳоли каби маҳалланинг салкам тўрт мини аҳолиси ҳам барқарор тинчлик бўлишидан манфаатдор.

Биз янги йил тонгида, Халқаро тинчлик йилининг биринчи кунида «Тинчлик» маҳалласининг фақат кўчаларини айландик.

— Мен бутун жаҳонда тинчлик барқарор бўладиган, ҳеч қандай уруш бўлмайдиган кун тезроқ келишини истайман. Шундай кунни кўриш насиб этса, Она Еримизни Тинчлик планетаси деб аташни таклиф қилган бўлардим. Тинчлик, дўстлик шаҳри бўлган Тошкентнинг марказий кўчаларидан бирига Тинчлик проспекти деб ном берилишини таклиф қиламан. Сиз нима дейсиз?— дедилар Лутфулла ака сайримиз сўнгида.

Мен бу фикрга сидқидилдан қўшилажагимни айтдим ва ваъда бердим:

— Тинчлик проспектини, Тинчлик планетасини яёв кезиб репортаж ёзишга ҳамиша тайёрман!

М. МУРОДОВ.



ДЎСТЛИК ТАЯНЧИ

Дўст дўстнинг таянчи дейишади. Бу мақолнинг тўғрилигини болгариялик дўстларимиз Тошкент зилзиласи пайтида яна бир бор исботлашган. Эндиликда улар қуриб берган мактабни минглаб ёшлар битириб чиқиб, ҳаётга йўлланма олишди.

Г. Дмитров номидаги 9-ўрта мактаб ўқувчилари болгариялик дўстлари билан мустаҳкам алоқа боғлашган. «Машъал» интернационал дўстлик клуби 15 йилдан бери ишлаб турибди. Ўтган йиллар мобайнида клуб хонаси турли мамлакатларнинг ўқувчилари йўллаган мактублар, совғалар билан бойиди.

Ўз навбатида мактаб ўқувчилари дўстларига республикамиз ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи хат-хабарлар, альбомлар йўллашади. Хатларда тинчлик учун кураш ёшларнинг эзгу мақсади эканлиги баён этилади.

«Машъал»нинг юзга яқин аъзоси чет тили ўқитувчиси Н. Мамутова раҳбарлигида иш олиб боради. Улар Болгариянинг Хасково округида бўлиб, тенгдошлари ҳаёти билан танишиб келишган. Ўз навбатида Хасководан «Южняче» болалар халқ рақслари ансамбли тошкентлик ўқувчилар меҳмони бўлган.

СУРАТЛАРДА: «Машъал» клуби аъзоларининг Хасковода намойиш этган концерт программасидан бир лавҳа; клуб раҳбари Н. Мамутова клуб аъзолари билан.

Ҳ. Мирзакаримов фотолари.

Қардошлик гулшани

Ватан ичра яна бир Ватан

Азизулло Абдишукур билан биринчи бор учрашиб турган бўлсакда, суҳбатимиз ўз-ўзидан қовушиб кетди.

— Энг муҳими дунёда тинчлик бўлсин экан, —дейди Азизулло, — мен илгарилари бу сўзни қайта-қайта эшитсамда, унинг маъносига унчалик эътибор бермас эдим. Қачонки, юртимизда бўлган қонли жангларнинг шоҳиди бўлганимдан сўнггина тинчлик сўзининг маъносига чуқур тушуниб етдим.

Айниқса бир воқеа хаёлимда ўчмас из қолдирди. Қишлоғимизга тунда босқинчилар бостириб киришди. Сокин тун тинчлигини бир зумда отишмалар овози, одамларнинг қийчувн босиб кетди. Алақаерда қўрқувдан даҳшатга тушган қизалоқнинг чинқирган овози эшитилар, кимдир ўт ичида йўқотган боласининг номини айтиб чақирарди. Шоша-пиша кўчага отилдим. Ён қўшнимизнинг уйи олов ичида қолганди. Ичкаридан чақалоқ йиғиси келяпти. Ўзимни ўт ичига урдим. Қуюқ тутун, аланга ичида чақалоқни аранг қидириб топдим. Уни зўрбазўр ташқарига олиб чиқдим.

Эртасига кўзимни очсам, тепамда ойим ўтирарди. Унинг қўлида ўша мен қутқарган чақалоқ. Шунда биринчи марта уруш даҳшатини билдим.

Бошимни кўтариб кўчага чиқсам қишлоғимиздан «бир ҳовуч кул» қолибди. Уйларимиз деярли ёниб битган экан. Ҳамқишлоқларимиз тезда ҳашар йўли билан ночор уйларни тиклашга киришдилар. Тинчлик йўлида қилинган меҳнат зое кетмади. Тезда одамлар яна бошпанали бўлишди. Қўшнимиз онаси билан ҳалок бўлди. Улардан битта ўша чақалоқ— кичик Нуруллогина омон қолди.

Ҳозир Нурулло 7 ёшга кирди. Биринчи синфда ўқийди. Ў бизнинг онламиз аъзоси. Менинг укам.

Тошкентга келиб кўпгина дўстлар орттирдим. Улардан бири университет филология факультетининг сиртқи 2-курс студенти —Комил Бердиевдир. Биз Комилжон билан кириш имтиҳонлари топшираётган вақтдаёқ дўст тутунганмиз. Қарангки, ҳозир дўстим менинг юртим Афғонистонда ҳарбий бурчини ўтамоқда. У билан тез-тез хат ёзишиб турамиз.

Ҳозир Тошкент Давлат университети ўзбек филологияси факультетининг охирги курсида ўқияпман. Бу ерда ҳамюртларимдан Зикрилло Ишонч, Нурилло Неъматулло, Муҳаммад Собир, Хайр Муҳаммад, Заҳро Нурилар ҳам мен билан бирга ўқишмоқда.

Биз афғонистонлик ёшлар оғир кунларда меҳрибонларча бизни ўз бағрига олган, тарбиялаган, ўқитиб, илм берган Ўзбекистон ва тошкентлик сахий қалб кишиларидан беҳад миннатдормиз. Бизни бирлаштирган тинчлик ва дўстликка ҳамиша таъзим қиламиз!

Суҳбат сўнггида Азизулло ва афғонистонлик барча дўстларимизга келажак ишларида муваффақият тилаб, улар билан хайрлашдик.

Н. АВАЗОВ.

Ҳикматлар хазинасидан

ҲАЁТ ЛАЗЗАТИ

● Дўстлик бебаҳогина эмас, гўзаллик ҳамдир: биз дўстларни ардоқлаган кишини шарафлаймиз, дўстга бой бўлиш аллақандай ажиб нарсадек туюлади, баъзилар эса ҳатто яхши одам билан дўстни мутлақо бир-биридан ажратмайдилар.

АРАСТУ.

● Дўстлар ҳаётда бирга одим ташласа, дўстим менинг ниятларимни, мен эса уникини маъқуллассам, фаол ва мазмундор дўстлик шудир.

И. ГЕТЕ.

● Дўстлик заифлашиб, совий бошласа, зўрма-зўраки хушмуомалалик кучаяди.

В. ШЕКСПИР.

● Чинакам дўстлашиш учун одам бир-бирига ишониши керак.

Л. Н. ТОЛСТОЙ.

● Ватанга муҳаббат — бутуннинг бир бўлаги сингари, одамзодга бўлган меҳру-муҳаббатдан вужудга келиши шарт.

В. Г. БЕЛИНСКИЙ.

● Дўстлик ўртоқчиликнинг энг олий даражасидир.

М. ГОРЬКИЙ.

● Ақлли одам ҳамма нарсадан жудо бўлса ҳам, дўстидан воз кечмайди.

Ш. РУСТАВЕЛИ.

● Иноқликнинг биринчи шарти — самимият.

М. М. ПРИШВИН.

Ўтмишдан садо

УРУШЛАРНИНГ ФОЖИАЛИ ТАРИХИ

Ер курраси да онгли ҳаёт пайдо бўлганидан бери кўп вақт ўтгани йўқ. Аммо инсон пайдо бўлибдики, тарих ҳисобига қиёслаганда бир киприк қоққунлик қисқагина умрида шу одамзод кўп вақтини уруш-қирғинлари билан ўтказгани надоматдир. Швейцариялик олим Бабель кейинги олти минг йил ичида ер юзида қанча уруш бўлганини ҳисоблаб чиқибди.

Таниишинг, мана ўша ҳисоб-китоблар:

● Сўнгги олти минг йил ичида куррамизда 14 минг 513 та уруш бўлган (Кейинги ўн йилда турли мамлакатларда бўлган, бўлаётган катта-кичик урушлар бу ҳисобга кирмайди). Булар қаторига тарихга уч кунлик уруш деб кирган «арзимас» жанглару, Англия билан Франция ўртасида бўлган юз йиллик уруш ҳам киради. Урушнинг касофати шундаки, у бир кунми, бир йилми, юз йилми ҳаммасида одам қирилади.

● Қарангки, ҳозир планетамизда қанча одам бўлса, олти минг йил ичида рўй берган жангу-жадалларда худди шунча, яъни 4 миллиарддан ортиқ инсон ҳаёт билан видолашган.

● Иккинчи жаҳон урушида Ер куррасида 50 миллиондан ортиқ одамзод қирилди.

Газета ушбу сони гонорарининг маълум қисми Тинчлик фондига ўтказилади.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Этюдлар

БОБОНИНГ АРМОНИ

— Суюнчи беринг, бобожон, келинойим ўғил туғдилар!

Етти яшар чевараси Бахтиёрнинг қўнғироқдек янгроқ, севинчли овозини эшитиб Нурмат бобо мудроқ кўзларини очди. Кексалик-да, туш пайти бўлса ҳам бобо пешайвон устунига суяниб, хаёлга чўмганча кўзларини юмиб ўтирар эди. Чевасидан бу хушхабарни эшитиб, руҳи тетик тортди, хушёр нигоҳ билан Бахтиёрга қаради:

— Ўғилми, Бахти, сенга ука бўлибди-да...— деди момиққина оппоқ соқолини силаб.

Нурмат бобо камзули чўнтагидан иккита сап-сариқ қурт олиб чевасига берди:

— Ма, ол қўзим, ёғлиқ қурт, қувват бўлади...

Бахти қуртни олиб, сакраб-сакраб, чопиб кетди.

Шу пайт ён уйдан энг кенжа келини Рухсора товусдек товланиб, гулдек табассум билан чиқиб бобога яқинлашди:

— Бобожон, ўғил эвара муборак бўлсин,— у кумуш танга жарангидек товушда бобосини қутлади, кейин қўлидаги қоғозга қараб севинч билан деди:— Қаранг, ҳаммасини ҳисобладим: бир юз беш ёшга кирибсиз, бир юз бешта невара-чевара, эвараси бўлибсиз...

— Шунча кўпми, а?..—жилмайди бобо, кейин бирдан оппоқ қошларини чимирди-да, ўйга чўмиб, кўзларини юмди, — Суннат, Иззат ўғилларим бўлгайда кўзичоқларим яна ҳам кўп бўларди.

Бобонинг мудраётганини сезган Рухсора, нариги уйга, момосини янги чақалоқ билан қутлагани югуриб кетди.

Бобо мудрар, лекин хаёли, фикрлари тиниқ эди. У ўйлади:

«—Ҳа, ҳаёт шунақа... Навқирон икки паҳлавоним — Суннат билан Иззат урушдан қайтмади... Иккаловини уйлантирмагандим. Уларни кузатганимга неча йил бўлди ўзи? Қирқ уч йил!.. Шунча кутдим-а... Одам боласи ҳаммасига чидар экан да... Ҳа, майли Суръат билан Мидхатим, Гулнор билан Анорим омон бўлишсин... Бир юз беш ёшимда улардан бир юз беш чевара-эвара кўрибман-а?..»

Нурмат бобо хиралашиб қолган ўткир кўзларини очиб, заррин рангга чулғанган осмонга қаради-да, ички бир хурсандлик дарди билан пичирлади:

«—Дунё тинч бўлсин, эл-юрт омон бўлсин».

ЭЪЗОЗЛАНГАН ҚУШ

Осмон тиниқ, осмон мусаффо. Осойишта дала ўртасидан сокин оқаётган Анҳор соҳилида дўстим Билол билан дилкашлашиб ўтирибмиз.

Осмон тиниқ, осмон мусаффо. Иккимиз беихтиёр уфқда пайдо бўлган оқ нуқталарга ҳайрат билан тикилдик: «Нима у, жуда тез учиб келяпти?»

Осмон олис бўлса ҳам, нигоҳлар олмос бўлиб, учиб келаётган оқ нуқталарни дўстим тез пайқади:

— Кабутарлар! — деди у одатича завқ билан кулиб. — Оқ кабутарлар!

Осмон сир яширмайди. Кўмкўк осмонда бир тўп оқ кабутарлар чарх уриб, ҳавони тўлқинлантириб учиб келишарди. Ҳар бир гўзалликдан бир олам завқ-шавқ оладиган, ундан бир олам маъно чиқарадиган дўстим оқ кабутарларнинг парвозини узоқ кузатиб турди да, тўсатдан сўради:

— Кабутарларни нега тинчлик қуши дейишади?

Ҳайрон бўлиб, елка қисдим.

— Мана, ўйлаб кўрайлик да,— деди у қўлларини икки ёнга ёзиб.— Нима учун бургут, лочин, зағизғон, мусича тинчлик қуши эмасу, кабутарни тинчлик рамзи деймиз?

Мен анчайин ўйланиб қолганимни кўрган дўстим кабутарнинг таърифига киришиб кетди:

— Кабутар тинчлик рамзи бўлишига сабаб, бу қуш йиртқич эмас, иккинчидан, кабутарлар мусиқаларга ўхшаб патирпутур қилиб бир-бири билан ҳеч қачон уришмайди, учинчидан, кабутарлар одамзодга тез эл бўлиб, ўргатилса хат-хабар ташиб дўстлараро алоқани боғлайди. Шунга ўхшаш хусусиятлари учун кабутар тинчлик рамзи деб олинган.

Дўстим ҳақ гапни айтди. Мен беозор, аҳил, инсонга тез эл бўладиган бу қуш — кабутар тинчлик тимсоли бўлиб, сайёрамизнинг мусаффо осмонида мангу парвоз этаверсин, деб ҳайқиргим келди. Менинг бу дил ҳайқиригимни оқ кабутарлар қитъалардан қитъаларга элитадигандек бепоён самода чарх уриб боришарди.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

КИНО

2 ЯНВАРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ГАГРАДА ҚИШ I ОҚШОМИ» — **Искра** (16, 1 18, 10.00; телефон 39-11-76).

«САМРААТ» — **Санъат саройи** (катта зал, 16.16, 18.30, 20.50; кичик зал, 17, 7, 19.30), **Чайка** (16, 18.30, 21.01.00; телефон 77-06-20), **Москва** (16, 19.00; телефон 33-05-01-01). **Нукус** (16, 18.30, 20.45; телефон 46-70-69), **Қозоғистон** ((17, 18, 20, 21.00; телефон 35 35-24-92).

«БИТИМ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (тоқ соатларда).

«БАГРАТИОН» — — **Лисунов номли** (17, 20.00; телефон 96-34-02).

«ЎЗ КЎЗИНГ БИЛАЛАН КЎР» — **Мир** (17, 20.00; телефон 91-65-84).

«ПАРОЛНИ ИККИНЧИ КИШИ БИЛАРДИ» — **Ҳамзаза номли** (жуфт соатларда, телефон 9 10-51).

«ҚИШДА ПИШАРАР ОЛЧА» **ВЛКСМ 30 йиллиги** (ж (жуфт соатларда, телефон 33-44-44-52)

«КЕЛИБ АЙТГАНЛАРИМ» **Восток** (16, 18, 20.00;00; телефон 91-14-61).

«ЎТА МАФТУНКОР ВА ЁҚИМЛИ» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

3 ЯНВАРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ГАГРАДА ҚИШ II ОҚШОМИ»— **Искра** (12.30, 0, 14, 16, 18, 20.00; телефон 39-11-76).

«САМРААТ»—**Санъат сароййи** (катта зал, 11, 13.33.30, 16, 18.30, 20.50; кичик за зал, 12, 14.30, 17, 19.30), **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.01.00; телефон 77-06-20), **Москва** (13, 16, 19.00; телефон 33-05-05-01), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 35-24-91-92).

«БИТИМ»— **Ҳамзаза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51); **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«БАГРАТИОН»— — **Янгиобод** (11.30, 14, 17, 20.00;00; телефон 96-36-21).

«ЎТА МАФТУНКОР ВА ЁҚИМЛИ»— **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефофон 66-15-75), **Восток** (14, 16, 1 18, 20.00; телефон 91-14-61).

4 ЯНВАРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ГАГРАДА ҚИШ II ОҚШОМИ»— **Искра** (12.30, 0, 14, 16, 18, 20.00; телефон 39-11-76).

«САМРААТ»—**Санъат сароййи** (катта зал, 11, 13.33.30, 16, 18.30, 20.50; кичик за зал, 12, 14.30, 17, 19.30), **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.01.00; телефон 77-06-20), **Москва** (13, 16, 19.00; телефон 33-05-05-01), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 35-24-91-92).

«БИТИМ»— **Ҳамзаза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51); **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«БАГРАТИОН»— — **Янгиобод** (11.30, 14, 17, 20.00;00; телефон 96-36-21).

«ЎТА МАФТУНКОР ВА ЁҚИМЛИ»— **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефофон 66-15-75), **Восток** (14, 16, 1 18, 20.00; телефон 91-14-61).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **«Циркда арчарча» Янги йил томошалари** (10,), 12.30, 14.45).

Тошкент область Т Тошкент районидаги 23-ўрта мактаб томонидан **Алимхўжаев Зайниддин** номига берилган 218586 номерли йўлкалан

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Сил илмий-текшириш институти коллективи ва фтизиатрлар илмий ий медицина жамияти катта илмий ходими, медицина фанлари кандидати А. С. Содиковга отаси

Содиқ АБДУРАШИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент политехника институти ректорати, партия ия комитети ҳамда жамоат та ташкилотлари нефть ва газ ф факультетининг доценти А. С. Содиковга отаси

Содиқ АБДУРАШИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Октябрь район ошхоналар трести партия ва касаба союз ташкилотлари ошпаз

Қудрат ҒАППОРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

ҲУРМАТЛИ ОБУНАЧИЛАР!

ОБУНА БЎЛГАН ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИНГИЗНИ ЎЗ ВАҚТИДА ОЛИШИНГИЗ УЧУН СИЗГА ХИЗМАТ КЎРСАТАДИГАН АЛОҚА БЎЛИМИГА УЧРАШИБ КАРТОЧКАЛАРНИ ТЕКШИРТИРИБ ҚЎЙИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ.

1986 йил учун газета ва журналларга обунани расмийлаштиришда баъзи обуначилар томонидан адресда хатога йўл қўйилган, шунинг учун нотўғри адресли карточкалар «Союзпечать» шаҳар агентлигида тўпланган.

Агар сиз газета ва журналларни олмай қолсангиз квитанция билан алоқа бўлимлари, «Союзпечать» агентлиги ёки «Союзпечать» шаҳар агентлигига (телефон 33-46-69) мурожаат қилишингизни маслаҳат берамиз.

Тошкент шаҳар «Союзпечать» агентлиги.

ТВ

ЖУМА, 3. I

● МТ I

9.00 «Время».
9.45 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». «Вақти келди». Илмий-оммабоп телевизион фильм премьераси.
10.45 «Саҳронинг оппоқ қуёши». Бадиий фильм.
12.05 Мультипликацион фильмлар:
«Янги йил саёҳати»,
«Кўк бўйин».
12.35 Янгиликлар.
* * *
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Қишлоқ уфқлари». Ҳужжатли фильмлар:
«Машаққатли қувончлар»,
«Васильев йўллари»,
«Бош мўлжал».
16.00 РСФСРда хизмат кўрсатган артист М. Рожков (балалайка) ва Ю. Чернов (гитара) чалади.
16.20 «Рус тили».
16.55 «Эрмитаж. Қишки сарой». 1-кўрсатув.
17.25 Н. Римский-Корсаков. «Испанча каприччио».
17.55 «А. Гайдар қаҳрамонлари—экранда». «Олис мамлакатлар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 КПСС XXVII СЪЕЗДИ ОЛДИДАН. МОЛДАВИЯ ССР ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
21.30 «Время».
22.05 «Сизни оперетта таклиф этади». Останкино концерт студиясида кеча.
23.25 «Дунё воқеалари».
● МТ II
9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 Грузия халқ қўшиқларидан концерт. Тбилисидан олиб кўрсатилади.
9.40 «Танҳо сўз билан». СССР халқ артисти И. Ильинский иштирокида фильм-концерт.
10.30 Немис тили.
11.00 ВОЛГОГРАД ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
11.50 Инглиз тили.
12.30 «Фан ва техника». Киножурнал.
12.40 «Келажакдан келган меҳмон». Беш сериялы телевизион бадиий фильм. 2 ва 3- сериялар.
14.50 «Маугли». Мультфильм. 4 ва 5- сериялар.
15.20 «Буюк кўзғолон». Телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия (Куба).
16.25 Янгиликлар.
* * *
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Братск». Ҳужжатли фильм.
18.55 «Сиз яратган боғ».
19.25 «Даврлар алоқаси». РСФСР халқ артисти Н. Некрасов раҳбарлигидаги МТ ва БР рус халқ чолғулари академик оркестри иштирокида фильм-концерт.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, киччкинтойлар». «Қуённинг уйчаси».
20.50 «Поэзия. И. Шкляревский».
21.30 «Время».
22.05 «Мафтункор». Телевизион бадиий фильм 1 ва 2-сериялар.
● ЎзТВ I
7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Салом, киччкинтойлар!» Мультфильм.
8.00 «Тонгги тароналар».
8.10 «Уринбосарлар улғаймоқда».
8.30 «Ахборот».
8.50 «Чеварлар». Болалар қўғирчоқларини ясаш ҳақида телефильм.
9.00 Москва. «Время».
9.40 «Одам бўлмайди». Бадиий фильм.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Қувноқ шаҳарча». Болалар учун дам олиш программаси.
18.45 КПСС Программасининг янги таҳрирдаги лойиҳасини муҳокама қиламиз.
18.55 «Чебурашка мактабга боради». Янги мультфильмлар программаси.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик —олтин даврим».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Янграсин шўх яллалар». Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ғалати аёл». Бадиий фильм. 2-серия.
23.10 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
● ЎзТВ II
9.00 —16.30 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Болалар учун фильмлар: «Ургатилган паровозча», «Умиднинг оқ белбоғи».
18.50 Назарий механика.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Ритмик гимнастика.
20.05 «Чемпионга бир савол». Ҳужжатли фильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Қўли гул кишилар». Телефильм.
21.00 КПСС XXVII съезди олдидан. «Беш йиллик ишлари ва одамлари» (рус.).
21.30 МТ II

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Редакция адреси: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Б—2013. Р—14171. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-55-37; саноат ва қурилиш — 32-57-84; шаҳар хўжалиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-53-10; ахборот ва спорт — 33-28-95; хатлар — 33-29-70; эълонлар ир бўлими — 33-81-42.